БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 265 (19.936). • 1987 йил 18 ноябрь, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг еттинчи сессияси 1987 йил 18 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети еттинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

— Республика халқ депутатлари Советлари, министрликлари ва идораларининг 2000 йилгача Ўзбекистон ССР Комплекс уй-жой программасини амалга ошириш борасидаги вазифалари тўғрисида;

— Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. РОМАНОВСКИЙ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1987 йил 17 ноябрь.

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ — ШОН-ШАРАФ ИШИМИЗ

БУТУН КУЧ ВА ИМКОНИЯТНИ ИШГА СОЛИБ, ЙИЛНИ ЗАФАРЛИ ЯКУНЛАЙЛИК

Жонажон партиямизнинг экономика тараққиётини жадаллаштириш стратегияси талабларига мардонавор меҳнат билан жавоб бераётган республика индустриясининг ходимлари Улуғ Октябрь 70 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақа давомида тўпланган тажрибага асосланиб, 1987 йилни ҳар жабҳада зафарли якунлаш чораларини кўрмоқдалар.

Йил якунланишига бир ойдан мўлроқ вақт бўлишига қарамасдан ҳисобдон мутахассислар чўт қоқиб қолишди. Нималарга эришилди-ю, ишда қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш зарур! Иқтисодчилар, мутахассислар, ҳатто партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ҳам ҳозир шу ҳақда мулоҳаза юритмоқдалар.

Дарҳақиқат, шонли юбилей шарафига ўтказилган социалистик мусобақа яхши самаралар берди. Янгича вазият, ўзгарган шарт-шароит ва талаблар экономикада муайян силжишларни таъминлаяпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Олий Советининг Октябрь социалистик революцияси 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида таъкидлаб ўтилганидек, индустриямиз меҳнаткашлари суръатни кучайтирмоқдалар. Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг ўртача йиллик суръатлари 1984—1986 йилларда 5 процентни ташкил этди. Маҳсулотнинг ўсиши эса қариб 8 миллиард сўмлик бўлди. Юбилей йилининг ўтган ўн ойи мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш плани 1,4 процент ортиғи билан бажарилди. Планга қўшимча тайёрлаб чиқарилган маҳсулот 234 миллион сўмликка етди.

Октябрь юбилейолди мусобақаси ялпи сафарбарлик ҳаракатига айланиб кетди. Беш йилликнинг икки йили топшириғини байрамгача бажариш учун бошланган ташаббус ўз натижаларини кўрсатди. 700 га яқин бирлашма, корхона, ташкилот, колхоз ва совхозлар, 6400 цех, смена, участка, бригада ва фермалар икки йиллик план муддатидан илгари адо этилгани ҳақида барвақт рапорт берди. 42 мингдан зиёд зарбдорлар икки йиллик ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан берган ваъдаларининг устидан чиқдилар.

Илғор коллективларда юбилей меҳнат вахтаси ҳозир янги суръат билан давом эттирилмоқда. Ҳабибулла Абдужабборов бошлиқ автомобилчилар бригадаси аъзолари республикада биринчилардан бўлиб икки йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Аҳдига вафодор ҳайдовчилар бригадаси яна янги маррани мўлжалга олди — Октябрь юбилейи меҳнат вахтаси йил охиригача шахдам давом эттириладиган ва планга қўшимча тағин 570 тонна юк ташиб бериладиган бўлди. Бекободдаги 16-автокорхонанинг ўнлаб ҳайдовчилари ўз ҳамкасблари Ҳ. Абдужабборов бригадаси даъватига кўра юбилей меҳнат вахтасини йил охиригача давом эттириш ва 1987 йилни зафарли якунлашга муносиб ҳисса қўшиш ҳаракатини бошлаб бердилар.

Касб-кор шарафини эъзозлаётган, ташаббус кўрсатаётган, партия XXVII съезди белгилаб берган улуғвор режаларни тўла-тўкис адо этишга бел боғлаган азамат ишчилар, билимдон мутахассислар кундан-кунга зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатаётирлар. Улар орасида Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик бирлашмасининг моториста Анна Нуштаева, Бухородаги 163-қурилиш трестининг Исмат Истамов бошлиқ бинокорлар бригадаси, Тошкентдаги «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси монтажчиси Людмила Валетова ва бошқа ўнлаб, юзлаб новаторлар бор. Уларнинг намунаси кўпларни улуғвор марраларни эгаллашга даъват этмоқдаки, бу ҳар бир корхонада, қурилиш ташкилотида, транспорт тармоғида давлат планлари, юксак социалистик мажбуриятлар албатта ошириб бажарилиши мумкинлигидан далолат бераётир.

Вазифа — ҳамма ерда ташкилотчилик ишларини кучайтирган ҳолда меҳнат унумдорлигини оширишдан, пировард натижаларни муттасил кўпайтириб бориш ва шу тариқа йилни барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажаришдан иборат. Маҳаллий партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари йилни зафарли якунлаш учун кураш мусобақасини авж олдиришда корхоналар, қурилиш ва транспорт тармоқлари коллективларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатишлари зарур.

Эришилган натижаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилмасдан, имкониятлардан янада унумли фойдаланмасдан, янги резерваларни астойдил ҳаракатга келтирмасдан туриб белгиланган улуғвор режаларни рўёбга чиқариш мумкин эмас. Бунинг учун, аввало юбилейолди мусобақаси давомида тўпланган энг яхши тажрибаларга таяниш, илғор иш усулларига амал қилиш, қолоқликни тугатиш чораларини кўриш талаб қилинади.

Беш йиллигимизнинг аҳамияти шундаки, у бутун халқ хўжалигида туб ўзгартишlarининг мустаҳкам пойдеворини яратиш, **социал-иқтисодий тараққиётнинг барча йўналишларида бурилиш беш йиллиги бўлиб қолиши лозим. Беш йиллик натижаларининг қандай бўлиши бу йилнинг якунларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини сира унутмаслик керак. Планларни муттасил бажармаётган корхоналар бор. Бундай корхоналарни доқал ўртача коллективлар даражасига кўтаришнинг ўзи катта резервдир. Шу резервдан омилкорлик билан фойдаланишга «Андижанкабель», «Электродвигатель» заводлари, Тошкентдаги «Ўрток» кондитер, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикалари маъмурияти ҳамда жамоат ташкилотлари алоҳида эътибор беришлари керак. Бу корхоналар маҳсулот етказиб бериш планларини мунтазам бардош бериб келаётирлар.**

Яна бошқа бир мисол: маҳсулот етказиб бериш юзасидан зиммага олинган мажбуриятлар тўла бажарилаётгани йўқ. Йилнинг ўтган даврида 296 корхона маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини ҳисобга олганда маҳсулот реализация қилиш топшириқларини уддалай олмади. Бу нима деганг! Бу шу корхоналар билан шартнома тузган коллективлар 350 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотни вақтида олишга муваффақ бўлолмадилар, демакдир. Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналарининг ярмидан кўпроғи шартнома интизомини бузмоқда. Мебель ва ёғочсозлик саноати, Енгил саноат, Маҳаллий саноат министрликлари тармоқларида ҳам шерикларга панд бераётган корхоналар оз эмас.

Йилимизнинг зафарли якунини таъминлашда хўжалик раҳбарлари, меҳнаткашлар депутатлари Советлари зиммасига алоҳида масъулият тушади. Бухоро, Жиззах областлари, Тошкент шаҳри ижроия комитетлари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг катта имкониятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўришлари керак.

План — қонун. Уни бажариш шарт! Юксак мажбуриятларни адо этиш шон-шараф ишимиз, шерикларга панд бермаслик эса виждоний бурчимиз. Шунга эришиш йилимиз якуни салмоқли бўлишининг гаровидир.

Португалия Республикаси президентининг СССРга қиладиган визити тўғрисида

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан Португалия Республикасининг президенти М. Соареш шу йил 23 ноябрдан 29 ноябргача расмий визит билан Совет Иттифоқида бўлади.

(ТАСС).

ҲОСИЛНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ҲАММАМИЗНИНГ БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ СИЁСИЙ, СОЦИАЛ ВАЗИФАМИЗДИР

ҲУРМАТ ШОҲСУПАСИ

16 ноябрда энг юқори кўрсаткичга эришганлар:

Пискент районидаги Ленин номли колхоз. Хўжаликда йиллик планнинг 2,45 процентига тенг пахта тайёрланди.

●

Сариосиё районидаги «Дашнобод» совхозининг Раҳим Раҳматуллаев бошлиқ бригадаси коллективи топшириқнинг 11,08 проценти миқдорида «оқ олтин» тайёрлашга муваффақ бўлди.

●

Шофиркон районидаги «Ўзбекистон» совхози механизатори Музроб Ҳамроев ўз агрегати бункеридан 3 тонна дурдона тўкди.

●

Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз теримчиси Меҳрибон Мамедова хирмонга 210 килограмм пахта топширди.

УТГАН КУНИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ДАЛАЛАРИДАН 54258 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИБ ОЛИНДИ. МАВСУМ БОШИДАН БЕРИ ТАЙЕРЛАНГАН ПАХТА 4371837 ТОННАДАН ОШДИ.

БИР КУНДА «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР БУНКЕРИДАН 16595 ТОННА, МАВСУМ БОШИДАН БЕРИ ЭСА 1890304 ТОННА ХОМ АШЕ ТЎКИЛДИ.

Пахтакор районидаги «Ҳурмат Белгиси» орденли «Самарқанд» совхози далаларида машиналар қувватидан унумли фойдаланилаётганлиги туфайли йиғим-терим суръатининг пасайишига йўл қўйилмаётир. Ўзаро мусобақада бригадир-механизатор Шаҳринисо Абзалова пешқадам. Ў бор маҳоратини ишга солиб, кунлик топшириғини ошириб бажариш билан хўжалик хирмонининг юксалишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Суратларда: 1. Ш. Абзалова. 2. Терим-транспорт конвейери ҳаракатда.

У. ҚУШВОҚОВ фотолари.

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 17 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
Сурхондарё	0,73	91,97	0,26	92,04
Бухоро	0,67	90,23	1,01	77,50
Хоразм	0,57	89,57	0,77	51,63
Жиззах	1,14	84,05	0,57	70,25
Тошкент	1,03	83,52	0,31*	66,36
ҚҚАССР	0,72	81,46	0,20	65,64
Сирдарё	0,86	77,78	0,54	79,70
Фарғона	1,28	75,56	0,09	30,15
Наманган	1,38	69,15	0,83	45,39
Қашқадарё	0,80	67,24	0,87	62,91
Самарқанд	1,00	63,80	0,41	49,45
Навоий	0,83	61,27	0,87	52,84
Андижон	1,20	58,04	0,40	21,23
Республика бўйича:	0,95	76,43	0,52	59,07
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
НАВОИЙ	2,57	161,22	4,70	116,64
СУРХОНДАРЁ	0,99	113,71	0,34	131,73
Қашқадарё	1,20	82,25	1,64	110,07
Наманган	1,32	75,94	—	—
Бухоро	1,00	43,38	2,19	33,39
Республика бўйича:	1,09	101,47	0,88	120,32

*) Маълумот аниқланган.

МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

Сариосиё райони пахтакорлари йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Қабул пунктларига 51820 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Шунинг 16686 тоннаси ингичка толали пахтадир. Ипак пахта тайёрлаш плани 151,7 процент қилиб адо этилди.

Эришилган меҳнат муваффақиятига «Дашнобод», «Коммунизм» совхозлари, Ленин номли, К. Маркс номли, «Ўзбекистон», «Ленинизм», «Ленинград», «Правда» колхозларининг пахтакорлари баракали ҳисса қўшишди.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ

Пахтакор районидаги «Оқбулоқ» совхози меҳнаткашлари дастлабки довондан ошдилар. Бу ерда 1384 гектар ернинг ҳар гектаридан 29,3 центнердан хирмон кўтарилиб, қабул пунктларига 4050 тонна «оқ олтин» топширилди.

Ялпи ҳосилнинг ярмидан кўпроғи агрегатлар ёрдамида териб олинди. Илғор механизаторлардан С. Абдураҳмонов, Т. Жайнаров ва А. Қиргизбоевлар ўз агрегатлари бункеридан 100—120 тоннадан «оқ олтин» тўкишга эришдилар.

БУХОРО ОБЛАСТИ

Свердлов районидаги «Коммунист» колхози азаматлари ғалаба рапортига имзо чекдилар. Қабул пунктларига топширилган 3570 тонна хом ашёнинг 84 проценти юқори сортларга қабул қилинди. Ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили 30,4 центнерни ташкил этди.

Шоди Маҳмудов, Аслон Саъдуллаев, Ёдгор Сафаровлар бош бўлган илғор бригадаларда бу кўрсаткич 35 — 38 центнерга етказилди.

Хўжаликда машиналар ёрдамида ҳосилнинг 1380 тоннаси териб олинди. Ҳозиргача 140—160 тоннадан «оқ олтин» терган Ҳайдар Авезов, Ризо Эшниёзов, Ражаб Турдиев каби механизаторлар катта хирмонга баракали улуш қўшдилар. Кўпмингкилограммчилар ўртасидаги мусобақада Раъно Норова, Роҳила Тошева, Дилноз Халиловалар пешқадам.

Хўжалик миришкорлари яна 300 тонна пахта тайёрлаш мажбуриятини олишди.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

Ворошилов районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози деҳқонларидан пахта тайёрлаш плани адо этилганлиги ҳақида хушхабар олинди. Давлатга 1390 тонна «оқ олтин» топширилди. Суғориладиган гектар ҳосилдорлиги 22 центнерни ташкил этди. Йиллик планнинг муваффақиятли бажарилишига У. Каримбоев, Ю. Эсалиев, К. Кустанбоев, А. Исмоиловлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари муносиб ҳисса қўшдилар. Хўжаликда яна 150 тонна пахта тайёрлаш кўзланмоқда.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ

Наманган районидаги Свердлов номли колхоз аъзолари зафар маррасини эгалладилар. Улар 810 гектар ернинг ҳар гектаридан 30,6 центнердан хирмон кўтариб, қабул пунктларига 2565 тонна дурдона етказиб беришди. Х. Валиев, М. Саъдуллаева, М. Қаҳҳоров ва Х. Қосимовлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 38—41 центнерни ташкил этди.

Хўжалик меҳнаткашлари яна 540 тонна «оқ олтин» тайёрлаш учун йиғим-теримни уюшқоқлик билан давом эттиришаётир.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

Урганч районидаги Охунбобоев номли колхозда мажбурият ҳисобига пахта топширила бошланди. Давлатга 3700 тонна хом ашё сотилди. Ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 31 центнерга тўғри келди. СССР Давлат мукофоти лауреати Раҳимбой Бобожонов, Худойберган Раҳимов, Сафо Бекконов, Ғойибназар Отажонов, Болтабой Ўриновлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари йиллик планларини 110 процентдан ошириб бажардилар. Хўжаликда мавсум охирига қадар яна 300 тонна «оқ олтин» тайёрланади.

Қўшқўпир районидаги «Ленинград» колхозидан юбилей йили марраси эгалланган ҳақида рапорт олинди. Ў ерда ҳар гектар ердан кўтарилган ҳосил 34 центнердан ошди. Хўжалик пахтакорлари давлатга яна 200 тонна хом ашё етказиб беришга аҳд қилдилар.

БУГУН — ҲАММА ПАХТАКОР

Шифокорлар ҳиммати

Сермашаққат меҳнат эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш бугунги кунда ҳар биримизнинг бурчимиздир. Республика сил касалликлари илмий-текшириш институти илмий ходимлари, шифокор ва ҳамширалари айни долзарб паллада Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхознинг 2-бўлими пахтакорларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. А. Дадамуҳамедов, Ф. Муродова, Г. Железнякова, В. Стояновский сингари ҳашарчилар кунига 60—80 килограммдан пахта териб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Д. АБДУРАҲИМОВ.

Дахлдорлик

Шу кунларда Ғ. Ғулом номидаги Сирдарё давлат педагогика институтининг икки минг нафарга яқин студенти қўриқ Меҳнатобод районидаги «Страна Советов», «Пахтакор» совхозлари далаларида пахта йиғим-теримида қатнашмоқдалар. Факультетлар ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилган. У ҳар беш кунда якунланиб, ғолиблар мукофотланмоқда.

Р. МАҲМУДОВ.

* * *

Редакциямиз почтасига дала меҳнаткашларига пахта йиғим-теримида кўмаклашаётган ҳашарчиларнинг ҳиммати ҳақида ҳар куни хатлар келиб турибди. **К. Жониқулова** (Тошкент), **В. Раҳимов** (Фарғона), **И. Шихова** (Хоразм), **М. Ҳолиқов, Р. Гатин** (Тошкент шаҳри) ва бошқаларнинг мактублари ҳам худди шу мазмунда.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

16 ноябрь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал билан учрашди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Совет — Чехословакия иқтисодий ҳамкорлиги самарали ривожланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор қилинди. Шу билан бирга ҳар иккала мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва фантехника потенциалларидаги мавжуд интеграция резервлари яна ҳам каттароқ вазифаларни ҳал этиш, мамлакатларимиз ўртасида оқилона меҳнат тақсимоти даражасини анча ошириш имконини бериши таъкидлаб ўтилди.

М. С. Горбачев социализмнинг афзалликларини ҳамда потенциал имкониятларини намоён этиши лозим бўлган қайта қуришни амалга ошириш соҳасида КПСС олиб бораётган иш тўғрисида сўзлаб берди. Жамиятни ривожлантиришнинг шундай масъулиятли босқичларида стратегик қарорларни ишлаб чиқиш жуда катта аҳамият касб этади. Аммо керакли йўлни ишлаб чиқишнинг ўзи камлик қилади. Шу йўлни омманинг онгига сингдириш жуда ҳам муҳимдир. КПСС айни шундай ҳаракат қилмоқда ҳам. Партия қайта қуришни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур сиёсий, ташкилий, идеологик шарт-шароитни яратишни таъминламоқда. Ҳозир партиянинг диққат-эътибори ва куч-ғайратлари қайта қуришнинг бир-бири билан боғлиқ икки йўналишига — демократиялашга ва туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга қаратилгандир. Бутун ижтимоий-сиёсий турмушни демократиялаш меҳнат кишисини коллективда, давлатда ва жамиятда ишларни ҳал этишнинг ҳақиқатан фаол иштирокчисига, ўз турмушининг чинакам эгасига айлантириши лозим.

Л. Штроугал ЧССРдагилар Совет Иттифоқида содир бўлаётган иш тўғрисида сўзлаб берди. Жамиятни ривожлантиришнинг шундай масъулиятли босқичларида ўтди. КПССнинг тажрибаси, унинг социализмни ривожлантиришда сифат жиҳатдан янги поғонага эришиш йўлидаги азму қарори Чехословакия коммунистлари, меҳнаткашлари учун социалистик қурилишнинг энг муҳим вазифаларини рўёбга чиқаришга ижодий ёндашиш намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Л. Штроугал хўжалик механизмини қайта қуриш билан боғлиқ планлар тўғрисида ахборот берди, кўрилган чора-тадбирлар ЧССРнинг социализм йўлидан муттасил олға ҳаракат қилиб боришини таъминлаш имконини беради, деб ишонч билдирди.

М. С. Горбачев қардош чехословак халқига социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишда катта муваффақиятлар тилади.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев ҳозир бўлди.

Учрашув самимий, ўртоқларча вазиятда ўтди.

(ТАСС).

Л. ШТРОУГАЛНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков билан ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал ўртасида 16 ноябрь куни Кремлда музокаралар бўлиб ўтди.

М. С. Горбачев билан Г. Гусакнинг учрашувлари чоғида эришилган аҳдлашувларни рўёбга чиқариш масалалари музокаралар марказида бўлди.

Томонлар шуни таъкидлашдики, ҳар иккала мамлакатда хўжалик механизми қайта қурилаётганлиги СССР билан ЧССРнинг баҳамжиҳат ҳаракатини чуқурлаштириш, бу ишда ҳамкорликнинг янги самарали формаларидан фойдаланиб, Совет ҳамда Чехословакия корхоналари ва ташкилотларининг кенг қўламда иштирок этиши учун принципиал янги имкониятлар яратади.

Корхоналар ва ташкилотлар ўртасида бевосита ишлаб чиқариш алоқалари ҳамда илмий-техникавий алоқаларни янада актив ривожлантириш учун зарур иқтисодий шарт-шароитларни таъминлаш, қўшма корхоналар ва бирлашмалар барпо этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Халқаро масалаларни муҳокама қилиш чоғида Европадаги ва умуман дунёдаги вазиятга баҳо беришда қарашларнинг тўла бирлиги таъкидланди. Халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг янгича тафаккур принципларига асосланган кенг қамровли системасини вужудга келтириш урушларсиз дунё сари олиб борадиган пухта йўл бўлиб қолиши керак, деган ишонч билдирилди.

Ядро қуролининг икки тури — ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги битимни имзолаш ҳақида СССР билан АҚШ ўртасида эришилган аҳдлашувнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга, уларнинг ҳамкорлигини такомиллаштиришга, ялпи тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, халқаро майдондаги баҳамжиҳат ҳаракатни чуқурлаштиришга азму қарор берилганлиги изҳор қилинди.

Амалий учрашув якунлари юзасидан Совет — Чехословакия қўшма протоколи имзоланди.

* * *

Кремлда меҳмон шарафига СССР ҳукумати номидан нонушта зиёфат берилди.

Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфатда Н. И. Рижков билан Л. Штроугал нутқ сўзладилар, нутқлар эътиб бериб тингланди ва қарсаклар билан қутиб олинди.

* * *

Кечқурун Л. Штроугал Москвадан ватанига жўнаб кетди. У Совет ҳукуматининг таклифига биноан амалий визит билан мамлакатимизга келган эди.

Аэродромда уни Н. И. Рижков, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

• КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА

ЯНГИЛАНИШ АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ҚАРОР ТОПАДИ

КПСС XXVII съезди ҳамда партия Марказий Комитети 1985 йил апрель ва 1987 йил июнь Пленумлари қарорларига биноан республикамизда КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясига тайёргарлик авж олиб кетди. Бошланғич ва цех партия ташкилотларида ҳисобот йиғилишлари бўлиб ўтяпти. Кени кеча эса Норин район партия комитетининг пленуми бўлди. Район коммунистлари бу муҳим снёсий тадбирга пухта тайёргарлик кўрдилар. Пленум уюшқоқлик, ишчанлик ва ғоявий-снёсий жиҳатдан юксак савияда ўтди. У партия съезди қарорлари қандай бажарилаётганининг ўзига хос талабчан кўриги бўлди.

Район партия комитети бюросининг қайта қуришга раҳбарлиги юзасидан партия XXVII съезди ва Марказий Комитетнинг шундан кейинги Пленумлари қарорларини бажариш борасида қилинган ишлар чуқур таҳлил этилди, тажрибалар умумлаштирилди, ишда рўй берган камчилик ва нуқсонлар танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташланди, омма орасида олиб борилаётган ташкилотчилик ва снёсий ишларни янада яхшилаш тадбирлари белгилаб олинди.

Норин район партия комитети пленуми ҳақидаги мазкур ҳисоботда ана шулар тўғрисида ҳикоя қиламиз.

ПЛЕНУМ ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНДИ?

Партия ишини қайта қуриш партия ҳаётидаги энг муҳим тадбирларни пухта планлаштириш ҳамда демократик, ошкоралик, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтказишга ҳам чуқур таъсир кўрсатмоқда. Йиғилишларни аввалдан планлаштириш амалга оширилмоқчи бўлган ишларни ҳамма жиҳатдан аниқ ҳисобга олиш, бутун куч ва воситалардан тўғри фойдаланиш имконини бермоқда. Норин район партия комитети ҳам пленумга тайёргарлик кўришда ана шу усулни қўллади.

Район партия комитети бюроси КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленумидан кейиноқ ушбу пленумга тайёргарлик тўғрисида батафсил план тузиб чиқди. Бу планда райком бюросининг районни социалиқтисодий ривожлантириш ва жадаллаштириш ҳамда қайта қуришга раҳбарлик фаолиятини, ташкилий-тарбиявий ва идеологик ишини чуқур таҳлил этиш, бошланғич ва цех партия ташкилотларида яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари якунларини умумлаштириш, ҳисобот доклади ва бошқа ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш, ташкилий-тадбирий ишларни ўз вақтида ўтказиш назарда тутилган эди.

Райком пленумига тайёргарлик жараёнида партия ички демократияси ва ошкоралик принципларига қатъий амал қилиб иш олиб борди. Районда чиқадиган «Авангард» газетасининг 8 сентябрь сонида барча коммунистларни, меҳнаткашларни райком пленуми кун тартибига киритиладиган масалани тайёрлашга актив иштирок этишга чақирилди. Улардан қайта қуриш ва кадрлар билан ишлашда партия, совет, касаба союз ва жамоат ташкилотларида, меҳнат коллективларида тўпланган тажрибани ҳамда ҳал этиладиган проблемаларни, ишда йўл қўйилаётган хато ва нуқсонларни маълум қилиш, ишни яхшилаш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдириш сўралди.

Айни пайтда райком бюросининг қайта қуришга раҳбарлиги ҳақидаги масалани ўрганувчилар учун 9 пунктдан иборат эсдаликлар тайёрланиб, райкомнинг барча аъзолари ва аъзолиққа кандидатларига тарқатилди. Улар ана шу саволлар асосида райком фаолияти ҳақида ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини, таклифларини ёзиб бердилар. Шу билан бирга бюро ва райкомнинг барча аъзолари ҳисобот докладини тайёрлаш юзасидан конкрет топшириқ олдилар. Бир неча группадан иборат махсус комиссия тузилди. Бир группа райкомнинг агросаноат комплекси ишини ривожлантириш, маҳсулот етиштириш ва унинг сифатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг прогрессив усулларини жорий этишга қандай раҳбарлик қилганлиги ҳақидаги материалларни тўплади ва таҳлил қилиб чиқди. Яна бир группа эса жамоат чорвачилигидаги аҳволни ўрганди. Учинчи группа маҳаллий саноат, транспорт, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишга доир ҳамма материалларни тўплади. Махсус группа ташкилий-партиявий ишга раҳбарлик масалаларини ўрганиб билан шуғулланди. Идеология ишини қайта қуришнинг борили тўғрисидаги материаллар умумлаштирилди. Бир неча группа ташкилий ишлар билан банд бўлди.

Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтгач, район партия комитети бюроси қўлида барча масалалар бўйича батафсил маълумотлар тўпланди. Шундай қилиб, ҳисобот докладини тайёрлашга киришилди. Бу кунлар райком бюроси аъзолари, секретарлар, комитет аъзолари, райком аппарати учун ғоят қизғин давр бўлди. Доклад плани ва ҳар бир бўлимда кўтарилган асосий масалалар муҳокама қилинди. Конкрет факт ва рақамлар сараланди. Ҳисобот доклади тайёрланаётган пайтда райком бюроси икки йил ичида жадаллаштириш ва қайта қуриш соҳасида қилган ишларнинг якуни баён қилинибгина қолмай, тўпланган тажрибалар атрофлича умумлаштирилди. Йўл қўйилган камчиликларнинг сабаблари принципиаллик билан очиб ташланди.

Партия комитети моҳият эътибори билан ўзига хос ижодий лаборатория ҳамдир. Райкомнинг ижодий иши жиддий масалалар ўрганилаётганда, муҳим тадбирлар тайёрланаётганда аниқса яққол акс этади. Норин райкоми бюроси ҳам ана шу йўлдан бориб, ҳисобот докладини тайёрлаш жараёнида райком аъзолари фикрини ўрганиш билан чекланиб қолмади. Шу йилнинг 22 октябрида ҳисобот докладининг қисқача тезислари «Авангард» газетасида босиб чиқарилди. Райком бюроси аъзолари иштирокида 12 та бошланғич партия ташкилотида очиқ партия йиғилишлари ўтказилиб, доклад тексти чуқур муҳокама этилди. Бу эса фақат райком аъзоларининггина эмас, кўпчилик оддий коммунистлар, мутахассислар ва активларнинг фикр ва мулоҳазаларини, таклифларини ўрганишга, кўпгина хато ва камчиликларни вақтида бартараф этишга имкон берди. Жумладан эркин фикр олишув тарзида ўтган йиғилишларда 512 коммунист иштирок этди, партия аъзоларидан 142 киши доклад юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирди. Булардан ташқари 30 дан ортиқ коммунист район газетаси орқали ўз коллективларида қайта қуришнинг қандай бораётгани ҳақида ўзаро фикр алмашди. Буларнинг ҳаммаси районда партия кўрсатмалари қандай бажарилаётгани ҳақида етарли хулоса чиқариш имконини берди.

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ИЛК САМАРАЛАРИ

Пленумда район партия комитетининг биринчи секретари М. Мирзабоев, шунингдек, райком секретарлари — М. Н. Грибинюченко, Э. А. Каримова, бюро аъзолари — район халқ контроли комитетининг раиси Ў. Асқаров, район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири Ҳ. Қосимов, 58-автокорхона шофери И. В. Сафронов, РАПО раиси Ҳ. Ҳатамовнинг ҳисоботлари ҳам эшитилди. Пленумда КПСС XXVII съездидан кейин ўтган давр ичида район экономикасида бир қатор ўзгаришлар ясалгани қайд этилди. Ўтган йили ва шу йилнинг тўққиз ойида ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 4 процент ўсди. Плондан ташқари 1,8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Аммо меҳнат унумдорлиги ўсиш ўрнига камайиб кетганлиги пленумда қаттиқ танқид қилинди. Ғарчи капитал қурилиш соҳасида 5,8 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, 50 га яқин хўжалик ва маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилган бўлса-да, сифатсиз иш бажариш ҳали ҳам давом этмоқда. 37-ремонт-қурилиш ҳамда йўл қурилиши ва ремонт қилиш бошқармалари партия ташкилотлари ўз ишларини қайта қуриб ололмаётганликлари оқибатида ана шундай нуқсонлар содир бўлмоқда. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳам талаб даражасида эмас. Якка тартибда уй-жой қурувчиларни қурилиш материаллари билан таъминлаш ҳақидаги қарорлар қоғозда қолиб кетмоқда. Савдо, медицина ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам оқсаб қолаётир. Ғарчи районда аҳоли сони йил сайин кўпайиб бораётган бўлса-да, уларни иш билан таъминлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилибди. Касаначилик эътибордан четда. Район ва қишлоқ Советлари бу иш билан етарли шуғулланмаётирлар.

Пленум қатнашчилари агросаноат комплексини ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш борасида бир қатор ижобий ишлар қилинганлигини алоҳида таъкидладилар. Район мамлакат Озиқ-овқат программасининг бажарилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг илғор усуллари беллик 36 процентга етди.

Қайта қуриш сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда хўжаликлар тўла мустақилликка эга бўлдилар. Улар ер шароитини, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда планлаштириш ва ишни ташкил қилиш билан мустақил шуғулланмоқдалар. Бироқ пленумда район агросаноат бирлашмаси бу соҳада етарли роль ўйнамаётганлиги, ўз вазифасини яхши бажармаётганлиги қаттиқ танқид қилинди. Жумладан, райком бюросининг аъзоси Ҳ. Ҳатамовда ташаббускорлик етишмайди. У ҳар қандай тадбирни амалга оширишда райкомдан кўрсатма кутиб ўтиришга ўрганиб қолган. Район партия комитетининг V пленумида ҳисоб берганидан кейин ҳам Ҳатамов ўз ишида ўзгариш ясагани йўқ. Пленум РАПОдан хўжаликни бошқаришнинг цех структурасини барча колхозларда жорий этишни талаб қилди. Райком бюроси аъзоси Ҳ. Қосимов ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш юзасидан ўзига берилган топшириқни қониқарсиз бажармоқда.

Пахта йиғим-теримининг бориши ҳар бир нотиқнинг сўзида алоҳида ўрин эгаллади. Табиат қийинчиликлари район пахтакорлари йўлига ғов бўла олмайди. Бутун куч ва имкониятлар етиштирилган барча ҳосилни йиғиб-териб олишга ва давлат планларини бажаришга сафарбар этилмоғи лозим. Ана шу фикр ҳисобот докладида ҳам, музокарада сўзга чиққан райком аъзоларининг нутқларида ҳам қизил ип бўлиб ўтиб турди.

ПАРТИЯВИЙ ИШДА ТАДБИРКОРЛИК

Норин район партия ташкилоти ҳисобот даврида сон жиҳатдан ўсди, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Ҳозир районда 94 та бошланғич, 198 та цех партия ташкилотлари, 81 та партия группалари ишлаб турибди. Район партия ташкилоти ҳисобида 2895 коммунист бор. КПСС XXVII съездидан сўнг ўтган давр ичида коммунистлар сафига 157 киши қўшилди. КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотларининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори партияга қабул қилиш ишини тубдан қайта қуришда муҳим роль ўйнади. Партия составини энг муносиб колхозчи ва знёллар вакиллари ҳисобига тўлдириш партияга қабул қилинаётганларга нисбатан талабчанликни кучайтириш бошланғич ташкилотлар фаолиятидан муҳим ўрин олди. Пленумда шунингдек бу соҳада айрим жиддий нуқсонлар ҳам рўй бераётгани қаттиқ танқид қилинди. Масалан, район матлубот жамияти бошланғич партия ташкилоти ёш коммунистлар ва партия аъзолигига кандидатлар билан яқиндан шуғулланмаяпти, уларга нисбатан талабчанлик кўрсатмаётир. Масалан, ғарчи кандидатлик даврида ўзини ҳар жиҳатдан кўрсата олмаган бўлса-да Ҳ. Омоновни партия аъзолигига кандидатликдан КПСС аъзолигига қабул қилди. Райком бюроси бошланғич ташкилот қарорини рад этди. Бундай аҳвол «СССР 50 йиллиги», Ильич номли колхоз партия ташкилотларида ҳам содир бўлмоқда. Бу эса район партия комитети партияга қабул ва ёш коммунистлар билан ишлашда ҳали ҳам жиддий камчиликларга йўл қўяётганлигини кўрсатади.

Район партия комитети партия ташкилотларининг жанговарлигини, коммунистларнинг активлигини оширишни кўзлаб уларга амалий ёрдам кўрсатишни янада кучайтирмоқда. Райкомнинг масъул ходимлари ўз асосий иш вақтларини меҳнат коллективларида, бошланғич партия ташкилотларида ўтказаётирлар. Йирик партия ташкилотларида «Райком бўлимлари куни», «Райком кунлари» ташкил этилмоқда. Булардан мақсад бошланғич ташкилот ишини ҳар томонлама ўрганиш, камчиликларни тугатишда зарур ёрдам кўрсатиш, коммунистларда топширилган иш учун масъулиятни кучайтиришдан иборат. Шу йилнинг ўзида 10 та колхоз бошланғич партия ташкилотларида «Райком кунлари» бўлиб ўтди. Уларда район партия комитети аппаратининг деярли барча ходимлари, халқ контроли, касаба союз ва комсомол комитетлари ходимлари иштирок этдилар. «Райком кунлари»ни район партия комитетининг секретари бошқармоқда. Шундай кунлар ўтказишдан олдин қатнашувчилар ўртасида вазифалар тақсимланаётир. Цех партия ташкилотлари ва партия группалари ишини ўрганиш, сайлаб қўйилган активлар аъзолари, коммунистлар билан суҳбатлар ўтказиш, партия аъзолигига қабул қилинадиган кишилар билан иш олиб бориш, қарорлар ижросини назорат қилиш, идеология иши, аъзолик бадалларини қабул қилиш ва шулар юзасидан ҳисоб ва ҳисоботлар ҳамда бошқа партия ички хўжалиги ишларини олиб бориш шу вазифалар жумласидандир.

Пленумда баъзи партия ташкилотлари, жумладан, Калинин номли колхоз, 136-районлараро кўчма механизациялашган колонна, 15-ўрта мактаб партия ташкилотлари ўз ишларини қайта қуриб ололмаётганлиги ташвиш билан қайд этилди. Бу ерда партия йиғилишларининг таъсирчанлиги сезилмайди, танқид номигагина бўляпти, баъзи коммунистлар йиғилишларда мунтазам қатнашмаётирлар. «Победа», «Ўзбекистон», Ильич номли колхозларда раҳбарлар ҳисоботини эшитиш ва характеристикаларни тасдиқлашда расмиятчиликка йўл қўйилди. Агросаноат комплекси ремонт-техника корхонаси, район газлаштириш идораси, маиший хизмат бошқармаси партия ташкилотлари ҳисобидаги коммунистларнинг бир қисми ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда суст қатнашмоқдалар. Баъзи коммунистлар эса ҳатто ишлаб чиқариш планларини мунтазам бажармаётир. Пленум қатнашчилари райком бюроси билан бошланғич партия ташкилотлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилмаганлиги сабабли ана шундай жиддий нуқсонлар рўй бераётганлигини таъкидладилар.

Пленумда яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларда коммунистлар билдирган фойдали таклиф ва мулоҳазалар билан райком бюроси яқиндан шуғулланиши лозимлиги алоҳида қайд этилди. Районда 84 та партия группаси, 175 та цех ва 67 та бошланғич партия ташкилотида ана шундай йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда бюро аъзолари, райком ходимлари иштирок этдилар. Олтита партия ташкилотида эксперимент тариқасида партия ташкилоти секретарлигига иккита ва ундан ортиқ номзодлар кўрсатилди. Бешта партия ташкилотида эса коммунистлар талаби билан сайловлар ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтди.

Райком бюроси кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги фаолиятини ҳам қайта қуриб олмоқда. Раҳбар кадрларга нисбатан талабчанлик, принципиаллик кучайтирилди. Давр руҳини чуқур ҳис этмаган, ҳали ҳам эски услубда ишлаётган раҳбарлардан 22 киши коллектив талаби билан ишдан бўшатилди. Бироқ раҳбар ходимлар ўртасида ҳали ҳам кўпчиликка ўрнак бўлиш ўрнига номаъқул қилмишлари билан ўзларига доғ тушираётган кишилар ҳам бор. Масалан, Энгельс номли колхоз бош инженери И. Дўнанов «Ўзбекистон» колхозининг собиқ бош бухгалтери А. Турсунов, пахта тозалаш заводи инженери Э. Тошпўлатов, умумий овқатланиш корхонаси собиқ директори Д. Ҳакимов ичкиликбозлик билан шуғулланаётган бўлсалар-да, бошланғич партия ташкилотлари улар билан келишувчанлик қилиб келди. Раҳбарликни таъминлашда эскича услубдан воз кеча олмаётган, ишлаб чиқаришни ташкил этишда берилган мустақиллик ва ҳуқуқлардан ўринли фойдалана олмаётган укувсиз раҳбарлар билан ҳамон муроса қилиб келинмоқда. Доклад юзасидан музокарага чиққан нотиқлар ана шундай раҳбар кадрлар ҳисоботларини райком бюроси мажлисларида тез-тез эшитиб ва муҳокама қилиб бориш зарурлигини айтдилар.

Пленумда бюродан раҳбар кадрларни сайлаш, уларга нисбатан талабчанликни кучайтириш борасидаги ишни янада такомиллаштириб бориш талаб қилинди. Бу соҳада эса райком бюроси кўпгина тажрибага эга. Чунончи район бўйича пахтачилик бригадалари бошлиқларидан 105 киши қайта сайланди. Раҳбар кадрни сайлаб қўйиш усули бир қатор корхона, муассаса ва ўқув юртларида ҳам амалга оширилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети район партия комитетининг бу соҳадаги ишини маъқуллаб, кенг ёйиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Пленумда райком бюросининг Советлар, касаба союзлари ва комсомол ташкилотлари ишни қайта қуриб олишига қандай раҳбарлик қилаётганлиги ҳам чуқур таҳлил этилди.

АМАЛИЙ МУҲОКАМА, КОНКРЕТ ТАКЛИФЛАР

Музокарада сўзга чиққан нотиқлар билдирган конкрет таклиф ва истаклар пленумнинг ишчанлик ва юксак савияда ўтишида муҳим роль ўйнади. Музокарада 20 киши сўзга чиқди. Улар ҳисобот докладини кўп жиҳатдан тўлдирдилар.

— Коллектив ва оила пудратининг жорий этилиши, харажатларни чек усулида назорат қилиш шу йилнинг 10 ойи ичида ўтган йилга нисбатан 94 минг сўм маблағни тежаб қолиш имконини берди, — деди ўз сўзида «Коммунизм» колхозининг механизатори Т. Жаҳонов. — Колхоз партия комитети бу соҳадаги ишни янада такомиллаштириш йўлидан боряпти. Райком бюроси аъзолари, жумладан, унинг иккинчи секретари М. Н. Грибинюченко бу ишда яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Бироқ РАПО ходимларига нисбатан эса шундай деб бўлмайди. Улар амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан ўз бурчларини етарли бажармаётирлар.

Карл Маркс номли колхоз раиси Ғ. Дадабоев ҳам хўжалик ишини қайта қуриш қандай амалий натижалар бераётганлигини чуқур таҳлил этди. Бу хўжалик илгари қолоқ ҳисобланар, давлатдан 1,5 миллион сўм қарзи бор эди. Иш қайта қуриб олинаётгани аста-секин ривожланиш йўлига чиқиб олишга ёрдам берди. Энди колхоз рентабелли хўжаликка айланди. Нотиқ шунингдек райкомнинг биринчи секретари М. Мирзабоевнинг хўжалик ишларига аралашиб, байрўқбозликка зўр бераётганини қоралади. «Октябрь» колхози раиси Ш. Сайфуддинов ўз сўзида РАПО раиси Ҳ. Ҳатамовнинг ишни қайта қуриб ололмаётганлигини танқид қилди: «Биз унинг имзоси билан кўплаб хатлар оляпмиз. Уларнинг кўпчилиги эса бир-бирига ўхшаш, — деди у. — Хўжаликни юритишда мустақиллик берилаётган айни пайтда қоғозбозлик билан шуғулланиш ҳозирги талабларга мутлақо зиддир. Райком бюроси ана шу соҳадаги ишни тўғрилаб қўйиши керак».

Ҳисобот доклади юзасидан музокарада сўзга чиққан нотиқлар билдирган конкрет танқидий фикр-мулоҳазалар, таклиф ва истаклар пленумнинг ишчанлик ва юксак савияда ўтишида муҳим роль ўйнади. Норин район марказий касалхонаси бошланғич партия ташкилоти секретари Ф. Ҳафизова, 136-районлараро кўчма механизациялашган колонна ишчиси М. Қосимов, йигирув-тўқув фабрикаси директори А. Мўминов, «СССР 50 йиллиги» колхози партия комитети секретари К. Иброҳимова ва бошқалар ўз сўзларида экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш ва қайта қуришни янада кучайтириш юзасидан райком бюроси фаолиятини янада такомиллаштириш зарур эканлигига тўхталдилар.

Пленум ишида Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум район партия комитети бюросининг қайта қуришга раҳбарлиги соҳасидаги фаолиятини қониқарли деб топди ва ҳисобот докладининг юзасидан қарор қабул қилди.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. 58-автокорхонанинг собиқ директори А. Тожибоев, район Совети ижроия комитетининг собиқ масъул секретари Я. Ҳожиева ишда хатога йўл қўйганликлари сабабли пленум қарори билан район партия комитети составидан, Олий партия мактабига ўқишга кетган район комсомол комитетининг собиқ биринчи секретари О. Эргашев райком бюроси составидан чиқарилдилар. Район партия комитети аъзоси «Коммунизм» колхози механизатори Т. Жаҳонов райком бюроси аъзолигига, райком аъзолигига кандидат, Юсупов қишлоқ Совети раиси В. Қўқонов райком аъзолигига сайландилар.

Р. ТУРСУНОВ,
Ш. ХОЛМИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Бухоро шаҳридаги 163-қурилиш трестининг 397-механизациялашган кўчма колоннаси коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини бажариш иштиёқида шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Колоннанинг ғайратли қурувчилари орасида кенг авж олган социалистик мусобақа пардозлаш ишларининг тез ва сифатли бўлишига омил бўлаётир. Ўзаро меҳнат беллашувида суворчилардан Баҳром Мавлонов эришаётган ютуқлар кўпчиликни қувонтиряпти. У ойлик ва смена топшириқларини ортиқ билан бажариб, ҳамкасбларига ўрнак кўрсатаётир. Суратда: моҳир суворчи Б. Мавлонов.

Ҳ. Қурбонов фотоси.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ОЛДИНГИ МАРРАЛАРДА

Москвадан келган бу хабар Ўрта Осиё темир йўли меҳнатчиларининг кўпмиллиқ кишилик бутун отрядини қувонтиради. Магистраль октябролди социалистик мусобақаси ғолиблари қаторида СССР Темир йўллар тармоғининг энг яхши магистралларидан бири, деб эътироф этилди.

СССР темир йўллар министри Н. С. Конарев ва тармоқ касаба союз Марказий Комитетининг раиси И. А. Шинкевич имзолаган телеграммадан бир вақтнинг ўзида бир неча темир йўл коллективларига биринчилик берилганлиги айтилади. Булар Ўрта Осиё темир йўлларидан ташқари Белоруссия, Москва, Озарбайжон, Ғарбий Қозоғистон — Целинная, Кемерово, Шарқий Сибирь, Байкал-Амур магистралларидир. Уларнинг ҳаммаси энг муҳим кўрсаткичлар — юкларни умуман жўнатиш бўйича ўн ойлик топшириқларни бажардилар. Бу билан бир йил давом этган меҳнат мусобақасининг асосий шартига риоя этилди. Шунинг натижасида мамлакатнинг бутун темир йўл тармоғи темир йўллардан фойдаланиш ишларининг яхшиланишига эришди, юк ташишдаги қолоқликни бирмунча қисқартирди.

Бутуниттифоқ мусобақасининг ғолиблари бўлган темир йўл коллективлари СССР Темир йўллар министрлиги ва касаба союз Марказий Комитетининг фахрий вимпеллари ва фахрий дипломлари билан мукофотландилар.

(ЎзТАГ).

ДУНЁ ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВЕНГРИЯДА

БУДАПЕШТ, 16 ноябрь. (ТАСС). Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти раисининг ўринбосари С. М. Мирқосимов бошчилигидаги Совет Ўзбекистони делегациясининг Венгрияда бўлиши ниҳоясига етди.

Серқуёш республикадан келган меҳмонлар салкам икки ҳафта давомида Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон мисолида ўтказилган СССР кунлари доирасида амалга оширилган жуда кўп тадбирларда қатнашдилар, делегация аъзолари Будапешт, Сольнок, Сексард, Чонград, Дунауйварош, Сегед ва Секешфехерварда бўлдилар. Бу шаҳарларда Ўзбекистон графика усталари ва халқ амалий санъати асарлари, болалар чизган суратлар кўргазмалари ташкил этилди, Венгрия меҳнаткашлари билан жуда кўп учрашувлар бўлиб ўтди, бу учрашувлар чоғида профессионал лекторлар Совет Ўзбекистонининг ҳозирги ҳаёти ҳақида сўзлаб бердилар. Венгер томошабинлари Ўзбекистон Давлат филармониясининг «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли чиқишларини самимий кутиб олдилар. Ўзбекистон ССРдан келган меҳмонлар Сольнок шаҳрида Венгрия—Совет дўстлиги ҳафталиги доирасида ўтказилган тадбирларда иштирок этдилар.

Делегация аъзолари Венгрияда бўлган чоғларида турли областларнинг партия ва маҳаллий ташкилотлари раҳбарлари билан учрашдилар, бир қанча саноат объектларини, шу жумладан «Икарус» ва «Видеотон» заводларини бориб кўрдилар, қардош мамлакат меҳнатчилари иш тажрибаси билан танишдилар.

БАХТАР АГЕНТЛИГИ ҚОРАЛАМОҚДА

КОБУЛ. (ТАСС). Р. Рейганнинг «Афғонистон ислом партияси» раҳбари Юнус Холис бошчилик қилган аксилинқилобчилар тўдаси билан учрашганлиги АҚШнинг АДР ички ишларига аралашишни кенгайтиришга интилаётганлигини кўрсатувчи янги далилдир. Бу учрашув АҚШ Афғонистон теварагидаги вазиятни тинч йўл билан бартараф этишга қаратилган барча ташаббусларни барбод этишдан, миллий яраш сиёсати амалга оширилишига тўсқинлик қилишдан манфаатдор эканлигини равшан кўрсатди, дейилади Бахтар агентлигининг бу ерда тарқатилган баёнотида.

Американинг ҳукмрон доиралари афғон экстремистларини қабул қилиб, аксилинқилобга қандайдир «қонуний» тус беришга биринчи марта уринаётганлари йўқ.

Рейган Афғонистондан совет қўшинларини олиб чиқиб кетилишига эришиш ниятида эканлигини айтди, деб давом этади Бахтар агентлиги. Ҳолбуки, Афғонистоннинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш ишида ёрдам кўрсатиш учун АДРга таклиф этилган совет қўшинлари чекланган контингенти Ватанига қайтиши учун асосий шарт — АДР ишларига ташқаридан қуролли аралашишни тўла-тўкис тўхтатиш ва бундай аралашиш яна бошланмаслиги учун ишончли халқаро кафолат беришдир, дейилади Бахтар агентлигининг баёнотида.

Афғон халқи, деб таъкидланади Бахтар агентлигининг баёнотида, Оқ уйдаги учрашувни АДРда миллий яраш жараёнини бартараф этишга қаратилган хатти-ҳаракат деб баҳолайди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВАРШАВА. Вроцлавдаги Воевода маданият уйида «Мусиқавий оилалар» 12-Умумпольша фестивали тугади. Мана шу одатдан ташқари кўрикда бутун Польшадан оилавий ҳаваскор музикачи коллективлар, шунингдек Чехословакия ва ГДРдан меҳмонлар қатнашдилар.

ЛУАНДА. Якшанба куни Ангола пойтахтида ўз ишини тамомлаган «Филда-87» халқаро савдо-саноат ярмаркасини бир ҳафта ичида салкам юз минг киши келиб кўрди. Республиканинг 180 тага яқин саноат ва қишлоқ хўжалик корхонаси, шунингдек Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 20 та давлатнинг ташқи савдо бирлашмалари ярмаркада ўзларининг товарларини намойиш қилдилар. Совет экспозицияси зўр муваффақият қозонди.

ЛОНДОН. Англиялик ҳаваскор геолог Кэвин Гарднер Глостершир графлигида олиб борган қазишмалар давомида бундан 180 миллион йил илгари ерда яшаган динозавр қолдиқларини топди. Глостер шаҳридаги музейнинг археолог мутахассисларининг хулоса қилишларича, топилган қолдиқлар бўйи 6 метрга етадиган мегалозавр скелетини ташкил этади. Бу графликда асримиз давомида топилган ва энг яхши сақланган нусхадир.

(ТАСС).

ШАЙТОН ВАСВАСАСИ

«Йигитларим Москвага кирганидан кейингина Афғонистон муаммоси ҳал бўлиши мумкин. Самарқанд ва Бухорони босиб олиш—дастлабки тадбирдир, холос. Афғонистон билан Польша ўртасида Уралнинг қаеридадир хавфсиз чегара бунёд этиш билангина муаммони батамом бартараф этишнинг ягона реал йўли очилиши мумкинлигини айтиб қўймоқчиман».

Бу нима ўзи? Телбалик хуружими, шайтон васвасасими, гиёҳванднинг хом хаёлими? Сиз, албатта, ҳақсиз, газетхон. Лағмондаги чоғроқ бир босмачилар тўдаси қўрбошиси бўлган Файзулланинг бундай «таклифи» соғлом одамнинг миясида пайдо бўлиши даргумон. Маҳалладан чиққан «дину имон учун курашувчи»нинг қонсираб айтган бу сўзларини халқ Афғонистонига сира-сира меҳри тушмаган Ғарб матбуоти тўрт томонга жар солиб тарқатади. Қўрбошининг бу гаплари соғ одамнинг оғзидан чиқадиган гаплар эмас.

Телбанинг валдирашини шарҳлаш ноўрин, албатта, аммо битта «лекини» бор. Ҳамма гап шундаки, Файзулла Совет Иттифоқини босиб олиш тўғрисидаги хомкалласига келган бу «ғоя»ни афғон аксилинқилобчилари бошлиқларининг кенгашида «реал иш режалари»дан бири сифатида баён этди. Аксилинқилобчи газандалар тўдалари бошлиқларининг АҚШ президенти Рональд Рейган билан Оқ уйдаги яқинда бўлиб ўтган учрашувида ҳам гап ана шундай «ишлар» хусусида бўлди.

Оқ уй бошлиғи сиёсатда у қадар содда ва гўл эмаски, Файзулла ва унга ўхшаш қаланғи-қасанғиларнинг «баёнотлари»ни жиддий деб ўйласа. Йўқ, албатта, бундай эмас. Муаммони «бартараф этиш»нинг шунга ўхшаш режалари уни ҳам, маслаҳатчиларини ҳам умуман қизиқтирмайди деса бўлади. Гап бошқа ерда. АХДП ва Афғонистон ҳукумати миллий яраш йўлини эзлон қилганидан кейин оппозициянинг эс-ҳушли ва обрўли бошлиқлари, шу жумладан, қуролли бўлинмаларнинг раҳбарлари мамлакатда тинчликни таъминлаш йўлига ўтиб, хунрезликни тўхтатиш ниятлари борлигини айтдилар. Шу боисдан ҳам океан ортидаги эзлон қилинмаган уруш оловини ёқувчилар лағмонлик Файзулла сингари кимсаларга умид боғламоқдалар.

Ранг танлашда янглишмадингизми, жаноблар, деб сўраш жоиз бўлади. Файзулла сингари тентакларни Оқ уйда эмас, балки жиннихонада қутиб олиш ўринли бўлмасмиди?! Эҳтимолки, бу жуда қувноқ ибора бўлмаса ҳам, ҳарқалай ҳазил-мутойба. Агар жиддий фикр юритадиган бўлсак, Вашингтон Афғонистон атрофидаги муаммони қай йўсинда «ҳал этишга» интилаётганлигини яна бир карра кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам баъзи бировларнинг адашиб ёки АДРда содир бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини тўлиқроқ англамай, ўз халқи билан «ғоявий» курашдан четлашганларидан кейин, эзлон қилинмаган уруш стратеглари Ўрта Шарқда ўзлари учун фойдали бўлган кескинлик ўчоғини сақлаб қолиш учун қонсираган жаллодлар ва тентакларга умид боғламоқдалар, шекилли.

А. МАЛЯРОВ,
(ТАСС).

ИПАК ПАХТА ИСТИҚБОЛИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ НАВОИЙ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ҚИЗИЛТЕПА РАЙОНИДА «ОЧИҚ ХАТЛАР КУНИ» ЎТКАЗДИ

Қизилтепа районидан хушхабар олинди: давлатга ипак пахта топшириш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Бироқ терим ўюшқоқлик билан давом эттирилиб, кунига 2,5—3 процент миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Маълумки, ипак пахта иссиқсевар ўсимлик. Вегетация даврида етарли ҳарорат олсагина мўл ва сифатли ҳосил бериши мумкин. Навоий областининг Қизилтепа райони ўзининг тупроқ-иқлим шароитига кўра республикамизнинг жанубий, иссиқ зоналарига яқин туради. Ана шу қулай имкониятдан фойдаланиш мақсадида ипак пахта экиб кўрилганда, натижа кутилгандек бўлди.

Ҳозир районда ингичка толали пахта экилаётган майдонлар ҳам, олинаётган ҳосил ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, ўтган йили Қизилтепа райони хўжаликлари 11 минг тонна ингичка толали пахта тайёрлашган бўлса, бу йил бу кўрсаткични 20 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Лекин ингичка толали пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун қулай обҳаво шароитининг ўзи камлик қилади. Бунинг учун ерлар унумдорлигини ошириш, экилаётган нав агротехникасини чуқур ўрганиш, ғўза парваришини ўз вақтида кўнгилдагидек бажариш талаб этилади. Бундан ташқари илғорлар тажрибасини чуқур ўрганиш, фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланиш лозим. Аммо бу борада район пахтакорлари олдида жуда кўп муаммолар турибди.

«Партия XXII съезди» колхозида ўтказилган «Очиқ хатлар куни» ингичка толали пахта етиштириш истиқболи ва муаммоларига бағишланди. Залда ҳозир бўлган область агросаноат комитети ва район агросаноат бирлашмаларининг раҳбарлари, мутахассислари пахтакорларни қизиқтираётган ва ташвишлантираётган кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтардилар.

Бу соҳадаги ютуқ ва камчиликлар нималардан иборат? Уларни тугатиш, саноат учун қимматбаҳо хом ашё етиштиришни ойдин йўлга солиб юборишнинг резервлари борми? Қайси муаммоларни хўжаликларнинг ўзида ҳал этиш мумкину, қайсилари юқори ташкилотларнинг аралашувини талаб қилади. Қизғин мунозарада ана шулар ҳақида гап борди.

— Хўжалигимизда қатор йиллардан бери ипак пахта етиштирилиб келмоқда, — дея сўз бошлади «Партия XXII съезди» колхозининг участка агрономи Ф. АҲМЕДОВ. — Ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам ёмон бўлмаяпти. Аммо кузатишлардан шу нарса маълум бўлдики, ингичка толали пахтанинг С-6037 нави хўжалигимиз, қолаверса, район шароитида бир картада ўсган ўсимликнинг баъзилари биринчи ярусдан сўнг, баъзилари эса 2—3 ярусдан бошлаб ҳосил шохлари чиқаради. Нега шундай?

Бу саволга область агросаноат комитети раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Ш. АЪЗАМОВ жавоб берди:

— Аввало шуни айтиш керакки, ҳар бир ғўза навининг ўзига хос агротехникаси мавжуд. Мўл, эртаки ҳосил етиштираман, деган деҳқон илмий асосланган агротехника талабларига қатъий амал этмоғи лозим. Демак, район хўжаликларида агротехника қоидалари бузилаётган бўлиши мумкин. Масалан, ғўзага сув вақтидан илгароқ ёки кечикиб берилган. Суғориш ҳам бир текис ўтказилмаганлиги туфайли бостириб суғорилган ғўзалар ғовлаб, сув яхши етиб бормаганлари ривождан қолган. Бундай шароитда ҳосил шохларининг нотекис чиқиши аниқ.

Бундан ташқари республикамизда экилаётган пахта уруғлигининг нав тозалиги кўнгилдагидек эмас. Кўпинча бир нав бошқалари билан аралашиб кетган бўлади. Буларга асосан уруғчилик хўжаликларида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар сабаб бўляпти. Уруғлик пахта етиштирилаётган айрим хўжаликларда ҳар хил навлар бир-бирига яқин экилади. Ғўза чангланиш жараёнида бир-бирига таъсир қилиб уруғлик айниб кетади. Бундан ташқари заводларда чигитлик ажратиб олиш жараёнида зарур қоидаларга кўпинча амал қилинмайди.

Қизилтепада экилаётган ингичка толали нав уруғлиги шу ердаги хўжаликда тайёрланади. Демак, уни намунали парваришлаш, айниқса, ҳосил йиғим-теримини тўғри йўлга қўйиш, С-6037 навига хос бўлмаган ғўзадан олинган ҳосил аралашиб кетишига йўл қўймаслик керак.

«Ленинград» колхози бош агрономи К. МАЛИКОВ саволи:

— Кўпинча июль, август ойларига келиб ғўзанинг юқори қисмида пайдо бўлган ҳосил нишоналари тўкилиб кетяпти. Шунинг сабабини тушунтириб берсангиз?

ЖАВОБ: — Маълумки, июль — август ойларида ҳаво ҳарорати энг юқори кўтарилган пайтидир. Бундан ташқари, ўсимлик бу даврда яхши ривожланган, шохлаган бўлади. Унинг барглари намни кўп буғлатади. Ана шу вақтда ғўза сувдан қолса, энди пайдо бўлган ҳосил нишоналари тўкилиб кетади.

Юқори ярусда пайдо бўлган шона ва гуллар тўкилишининг бошқа сабаби ҳам бор. Бу ғўзанинг нормал ўсиши учун тупроқда етарли озиқ моддаларнинг камлигидан ҳам келиб чиқади.

«Партия XXII съезди» колхозининг бош агрономи Т. КАМОЛОВ:

— Хўжалигимиз уруғлик пахта етиштиришга ихтисослаштирилган. Ўз районимиздаги ва бошқа районлардаги хўжаликларга юқори сифатли уруғлик етказиб беришимиз керак. Аммо белгиланган планимиз юқори. Шунинг учун биз кўпроқ пахта етиштириш учун пайкалларда гектар бошига иложи борича кўпроқ кўчат қолдиришга мажбур бўляпмиз. Уруғлик пахта учун қанча кўчат белгиланган?

Район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси И. НУРАЛИЕВ жавоби:

— Нормативларда ингичка толали пахта нави уруғлик учун экилганда ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил гектар бошига 27—28 центнердан ошмаслиги қайд этилган. Шунга яраша районимизда экилаётган С-6037 нав ипак пахта учун ҳар гектар ерда 75—80 мингта кўчат қолдирса мақбул бўлади. Аммо сиз тўғри таъкидлаганингиздек, уруғлик пахта тайёрлаш планлари белгиланаётганида бу нормативлар ҳисобга олинмаяпти. Бу муаммони район миқёсида ҳал этиш мушкул. Эҳтимол область агросаноат комитети, республика Давлат агросаноат комитетидаги ўртоқлар уни ижобий ҳал этишга ёрдам беришар. Акс ҳолда мўл ҳосил етиштиришга зўр берилиб, уруғликнинг сифати пасайиб кетиши мумкин.

«Бухоро» колхози раиси В. ШАШУРИН:

— Чигит экишда қатъий нормалар бор. Ана шунга кўра ҳар гектар ерга 100 килограммдан 130 килограммгача уруғлик экилиши керак. Аммо экиш чоғида ҳар гектар ерга сарфланаётган чигит 65—70 килограммдан ошмасин, деб юқоридан буйруқ келади. Буйруққа қулоқ солмай, кўпроқ чигит экканлар кўп кўчат олади ва ҳосилдан ютади. Айримлар кўрсатмага амал қилади-ю, гектарлар хато бўлиб қолади. Уруғлик нормасини камайтириш тўғрими?

ЖАВОБ: — Ҳар гектар ерга иложи борича кўпроқ чигит экишга ҳаракат қилиш нотўғри. Чигит кўп сарфланган ерларда ниҳоллар қалин бўлиб чиқади. Ягона учун кўп меҳнат, ортиқча маблағ талаб қилинади. Натижада таннарх қимматлашиб кетади. Шунинг учун иложи борича камроқ уруғлик сарфлаб, тўла униб чиқишини таъминлаш керак.

РАПО кенгаши раисининг ўринбосари О. НАИМОВ:

— Ўсиш стимуляторлари ҳақида кўп эшитганмиз. У чигит бехато ва эрта униб чиқишини таъминлаши билан бир қаторда ғўзанинг ривожини ҳам тезлатар экан. Шундай препаратлар нега районимиз пахтакорларига берилмайди?

«Сельхозхимия» область ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи М. ҲАКИМОВ жавоби:

— Дарҳақиқат, республикамиз олимлари бир неча хил стимуляторлар яратишган. Лекин улар чигитнинг униб чиқишини тезлатади. Ғўзанинг ўсишига эса таъсир этмайди.

Шу ўринда жавобнинг қониқарсизлигини таъкидлаб ўтишни истардик. Биз стимуляторларни яратган олимлар ва республика Давлат агросаноат комитети мутахассисларидан иборат комиссия составида ёз ойларида стимуляторлар билан ишлов берилган чигит экилган майдонлардаги ғўзаларни кўздан кечирганимизда уларнинг ривожи бошқа пайкаллардаги ўсимликка нисбатан анча тезлашганининг гувоҳи бўлганмиз. Бизнингча, «Сельхозхимия» область ишлаб чиқариш бирлашмасида фойдали препаратларни кенг қўлланишга панжа орасидан қарашмоқда.

«Ленинград» колхози бош агрономи К. МАЛИКОВ:

— Тажрибалардан маълумки, агар тупроқ унумдорлигини оширишга эришилса пахтадан ҳам юқори, ҳам сифатли ҳосил етиштириш мумкин. Тупроқ унумдорлигини ошириш учун эса турли хил микроэлементлар ва минерал ўғитлардан фойдаланиш керак. Лекин биз уларни етарли миқдорда ололмаяпмиз. Таъминотни яна ҳам яхшилашнинг иложи йўқми?

ЖАВОБ: — «Сельхозхимия» омборларида микроэлементлар бор. Бироқ хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари уларни олиш учун унча жон куйдиришмайди. Агар улар ўз вақтида буюртма беришса, биз колхоз ва совхозларни микроэлементлар билан таъминлаш имкониятига эгамиз.

Минерал ўғитларга келганда, аҳвол бошқача. Биздa азотли ўғитлар етарли. Аммо фосфорли ўғитлар талаб қилинган даражадагидан кам. Шунинг учун ҳамма хўжаликларнинг фосфорли ўғитларга бўлган талабини тўла қондиришимиз ҳануз муаммо бўлиб қоляпти. Республика Давлат агросаноат комитети областимиз учун фосфорли ўғитлар ажратишни кўпайтиришга ёрдам беришини истардик. Биз эса ўз навбатида фаолиятимизни қайта кўриб чиқиб, бу ишда тартиб ўрнатишга ҳаракат қиламиз.

Ленин номли колхоз бош агрономи И. МУҚИМОВ:

— Хўжаликлардаги ерлар керакли минерал ўғитлар билан етарли ўғитланмаётганлигининг бошқа сабаби ҳам бор. Масалан, қишлоқ хўжаликларининг ўз шахсий томорқаларига солиш учун минерал ўғитлар сотилмайди. Сотилса ҳам, жуда оз миқдорда савдога чиқарилади. Бунинг устига улар анча қиммат. Шунинг учун шахсий томорқа эгалари турли йўллар билан хўжаликка тегишли ўғитлардан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Савдо дўконларига керакли миқдорда ўғитлар чиқаришнинг иложи йўқми?

ЖАВОБ: Эсингизда бўлса, область газетасида «Навоиазот» комбинатида ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар магазинларда сотилаётгани ҳақида эълон берилган. Тўғри, кичик ҳажмда чиқарилган бу ўғитлар қиммат. Ишни яхшилашнинг йўли бор. Бунинг учун қишлоқ Советлари РАПОга буюртма бериши керак. Шундай қилинса, биз керакли миқдордаги минерал ўғитларни етказиб берамиз.

Район партия комитетининг биринчи секретари М. ШАМСИЕВ мулоҳазаси:

— Районимиз деҳқонлари ўтган йили ингичка толали пахтанинг С-6037 навини экиб, 11 минг тоннадан зиёд ҳосил етиштиришди. Лекин ундан ажратиб олинган толанинг ҳаммаси қабул қилиб олинмади. Омборимизда ҳали ҳам бултурги тола бор. Унинг сифати ёмон эмас. Кейин аниқланишича биз экаётган навнинг толаси енгил саноатнинг талаб ва эҳтиёжига тўла жавоб бермас экан. Шундай экан, С-6037 навини кўпайтириш лозиммикин?

Менинг буни айтаётганимнинг боиси районимизда яқин келажакда тайёрланадиган пахта салмоғини анча кўпайтириш режалаштирилмоқда. Агар биз саноатбоп тола берадиган навни экишга ўтмасак, катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилимиз кераксиз юк бўлиб қолиши мумкин. Область агросаноат комитети, республика Давлат агросаноат комитети бу борада ўз сўзларини айтишлари керак.

«Очиқ хатлар куни»да паст бўйли, ҳосили пишиб етилганидан кейин барглари табиий равишда тўкиладиган ғўза навларини яратиш, ипак пахтани терадиган серунум машиналарни тезроқ ишлаб чиқариш, самарали дефолиантларга эга бўлиш ва бошқа муаммолар ўртага ташланди. Бу муаммолар қанчалик тез ечилса, пахтакор меҳнатини енгиллаштириш, мўл, сифатли, таннархи арзон пахта етиштириш, уни қисқа муддатда териб олишга имкон яратилади. Демак, агросаноат комитетлари, аграр олимлар реал ҳаракатларни изланишларни кучайтиришлари керак.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ, К. РИХСИЕВ, О. НАЗАРОВ, А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухсус мухбирлари.

• ДАЛАЛАР МАДҲИ

Қуддус МУҲАММАДИЙ,
Ўзбекистон ССР халқ шоири.

ЁППАСИГА ПАХТАЗОРГА

(Пахтакор Норбой ака оиласида суҳбат)

Норбой ака даладан
Уйга қайтар тутақиб,
Об-ҳаводан тажанг
Қора булутга боқиб.
Ҳаво паст кетди, хотин,
Яна ёмғир, яна қор,
Ҳосил озми далада!
Улкан дош қайнаб ётар.
Терган сарини булоқдай
Пахта қайнар жонивор.
Барака экин асил,
Ҳар чаноқда кони бор.
Қани қўлинг шу тобда
Машина бўлиб қолса.
Бир толасин қолдирмай,
Еппасин йиғиб олса.
Ҳақиқатда машина
Иш берар қурғоқда хўп.
Қўл билан эплармидик!
Ҳазилми, пахтазор кўп.
Ошни тез суз, бўл, Ризвон
Ғанимат зарра фурсат.
Ердамчилар оз эмас
Сен ҳам ғайратинг кўрсат.
Ҳосил тагида лаззат
Ошнинг сўнгги луқмаси.
Сарак пучакка ажрар
Иш кўрсатар хонаси.
Ризвон хола гувранар,
Бўш келмаймиз дадаси.
Колхозчимиз бардаммиз
Бизда ўғил-қиз сараси,
Қулф урдилар эшикка
Жўнашди пахтазорга
Омад ҳам ёр бўлгуси
Аҳдида барқарорга.

Пўлат МЎМИН

ПАХТА, У ШУНДОҚ БАХТ-А!

Биласанми, эй, қалам,
Сафда эдинг аввалам,
Чақирмоқда оқ далам,
Очилиб ётар пахта,
Пахта, у шундоқ бахт-а!
Пайкалларда термулиб,
Чарақлаб, оппоқ кулиб,
Мўл бўлиб-у мўл бўлиб,
Осилиб ётар пахта,
Пахта, у шундоқ бахт-а!
Аслида мўъжизадир,
Ноёбдир, покизадир,
Бокира-азизадир,
Оқ қушга ўхшар пахта,
Пахта, у шундоқ бахт-а!
Тўкилиб ётса бахтинг,
Топилмасми ҳеч вақтинг!
Чидарми сумбат-сохтинг
Терилмай қолса пахта!
Пахта, у шундоқ бахт-а!
Эгатлар шеърий йўлдир,
Ҳосил — сўз, маъно мўлдир,
Шоири олтин қўлдир.
Қўшиққа тушган пахта,
Пахта, у шундоқ бахт-а!
Куз бобонинг лоласи,
Момо қуёш боласи,
Олтиндандир толаси,
Нур сочиб турар пахта,
Пахта, у шундоқ бахт-а!
Тўғри, бир оз қийнайди,
Инсофнигни синайди.
Яхшиларни сийлайди.
Довруғинг ёяр пахта,
Пахта, у шундоқ бахт-а!
Пахтани мард теради,
Тоза, бегард теради.
Эринмай шарт теради!
Фурсат кутмайди пахта,
Пахта, у шундоқ бахт-а!

Бугун билагида кучи, қалбида ғайрат-шижоат жўш урган ҳар бир кишининг ўрни пахтазорда бўлсин!

Катта хирмон йўлида

КПСС XXVII съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини оғишмай амалга оширишга ҳаракат қилаётган колхозимиз меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш йиллик планини бажардилар. Давлат қабул пунктларига 4805 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 33,2 центнерни ташкил этди.

Маълумки, бу йилги обҳаво пахтакорларни қаттиқ синовдан ўтказди. Баҳорда ёғиб ўтган ёмғирлар натижасида ҳарорат пасайиб кетди, ернинг етилиши кечикди. Шу туфайли чигит экиш ҳам бирмунча орқага сурилиб кетди. Бу ўз навбатида ҳосилнинг кечикиб етилишига олиб келиши аниқ эди. Биз ғўза ривожини тезлатиш мақсадида парваришни намунали ўтказишга ҳаракат қилдик.

Ҳар бир агротехник тадбирни бажариш муддатлари қисқартирилди. Ғўзани озиқлантириш, суғориш ишларининг сифати устидан қаттиқ назорат ўрнатдик. Қилган меҳнатларимиз зое кетмади. Ҳамма пайкалларда план ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди.

Мўл ҳосил етиштириш катта хирмон йўлидаги дастлабки қадамдир. Агар уни йиғиб-териб олиш намунали йўлга қўйилмаса, йил бўйи қилинган меҳнат самарасидан бебаҳра қолиш мумкин. Шу сабабли биз йиғим-теримга пухта ҳозирлик кўрдик. Барча терим техникаси ўз вақтида, сифатли ремонтдан чиқарилди. Ҳамма машиналарнинг унумли ишлашини таъминлаш механизаторларнинг бош вазифасига айланди.

Механик-ҳайдовчиларнинг ғайрат-шижоати туфайли дастлабки кунларданоқ терим суръатининг юқори бўлишига эришдик. Ғалаба марраси эгалланган ҳозирги қувончли кунларда шуни мамнуният билан таъкидлаймизки, етиштирилган ҳосилнинг 70 процентини дала гвардиячилари ўз агрегатлари бункеридан тўкишди. К. Ҳасанов, О. Оллоберганов, Р. Болтаев, Ш. Хўжаев, С. Ражабов каби илғор механизаторларнинг ҳар бири «зангори кема»лар ёрдамида 100—150 тоннадан «оқ олтин» теришга муваффақ бўлдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Салой Худойқулиев, Эгамберди Матёқубов, Каримбой Раҳмонов, Ботир Ражабов, Ҳонимжон Тожиева, Исмоил Эшчонов, Рўзимбой Матниёзов, Маматсоли Жуманиёзов, Бахтиёр Худойберганов, Султонбой Алланазаров, Қуронбой Ибодуллаев, Султонбой Аниёзов, Исмоил Ражабовлар бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари муваффақиятга, айниқса, баракали ҳосса қўшдилар. Бу бригадаларда ҳар гектар ердан йиғиштириб олинган ҳосил 36—46 центнерни ташкил этди.

Ҳали далаларимизда пахта кўп. Хўжалигимиз аъзолари ўз имкониятларини чамалаб, яна 200 тонна «оқ олтин» тайёрлаш ва ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш учун йиғим-теримни қизғин давом эттиришяпти.

Р. ЭРНАЗАРОВ,
Хазорасп районидаги Фрунзе номли колхоз раиси.

Ю. МАҲМУДОВ,
колхоз партия комитетининг секретари.

Гагарин районидаги «Партия XXVII съезди» совхозида иш га яроқли аҳолининг ҳаммаси далага тўла жалб этилган. Пенсионерлар ҳам пахтакорларга баҳоли қудрат ёрдам беришмоқда. Шу туфайли хўжаликда об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, мўл-кўл пахта тайёрлашга муваффақ бўлинаётир.

Суратда: пенсионер Тоир Рабиев пахтазорда.

Меҳнатобод районидаги «Страна Советов» совхозининг илғор пудратчи А. Тожиматов оиласи хўжаликда биринчилардан бўлиб зиммасига олган топшириғини бажарди. Ҳар гектар ердан 15 центнердан зиёд «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Ҳосилнинг асосий қисмини оила бошлиғи Абдуфатто Тожиматов ўз агрегати бункеридан тўкди.

Суратда: А. Тожиматов.

И. Хўжаев (ЎзТАГ) ва Е. Ботиров фотолари.

Балли, отахонлар

Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозининг бир группа Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари райондаги барча пенсионерларга мурожаат билан чиқишди. Уларнинг чақириғига жавобан пенсионерлардан зардоб бригадалар тузилди. Колхознинг ўзида 45 кишилик шундай бригада фаоллик кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири баҳоли қудрат «оқ олтин» териб беришга қарор қилган. 80 ёшли Мухтор ота Раҳимов ҳозиргача 2 тоннага яқин пахта терди. Унинг мусобақадош дўстлари Абдулла Ҳатамов, Нажмиддин Халилов, Турдали Шермуродов, Турсунали Масалимовлар ҳозиргача колхоз хирмонига 1000—1500 килограммдан «оқ олтин» топширишди.

Ҳимматингизга балли, азиз отахонлар!

Т. ЮСУПОВ.

ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

Қўриқ Нишон районида меҳнаткашлари пахта тайёрлашда областда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб туришибди. Райондаги икки хўжалик ҳозир социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. У. Юсупов номли совхоз-техникум 3 минг гектар ердан 6400 тонна ўрнига 6600 тоннадан зиёд пахта топширди. О. Норқулов, И. Умидов, У. Зоиров, Ш. Одилов ўртоқлар бошқарувчи бўлган бўлимлар, Н. Муҳаммадиев, Х. Абдураҳмонов, О. Қодирова, С. Ҳолбоев, С. Норбўтаев, Х. Боллиев бошлиқ бригадалар гектарига 25—30 центнердан «оқ олтин» топшириб, мажбуриятларини ҳам бажардилар.

Пландаги 3940 тонна ўрнига 5700 тонна пахта тайёрланди ва ялпи ҳосилнинг асосий қисми машиналарда терилди. Далаларда 64 та терим агрегати ишлади. Б. Казимов, Т. Узоқов, А. Холбоев, Ю. Мелиқулов каби «зангори кема» капитанлари мавсумда 150—160 тоннадан пахта теришди.

Шу райондаги «Ленинобод» совхози давлатга пландаги 4800 тонна ўрнига 4900 тоннадан зиёд «оқ олтин» армуғон этиб, йиллик планни ортиғи билан бажарди. 2980 тонна ўрнига 3,5 минг тонна пахта машиналарда терилди. Шуниси қувончлики, 1800 тонна ўрнига 2200 тоннадан кўпроқ ипак пахта тайёрланди. Д. Тошанов, А. Бобоёров, С. Абдураҳмонова, Ҳ. Алиқулов, Я. Чориев, Т. Ҳасанов бошлиқ комплекс бригадалар ҳар гектар янги ердан 25 центнердан ошириб ипак пахта хирмони яратдилар.

Шунингдек, «Оқолтин», С. Альенде номли совхозларда ҳам йиғим-терим суръати сусаймаяпти. Шу хўжаликлар ҳам марра сари дадил интилмоқдалар.

Бироқ айрим хўжаликларда турлича манзара кўзга ташланади. Баъзи совхозлар далаларида ҳосил етарли бўлишига қарамай пахта терими суръатини ошириш чораларини кўришмаяпти. Давлатга 7200 тонна пахта етказиб беришга аҳд қилган К. Маркс номли совхоз районда пахта тайёрлаш бўйича охирги ўринда. Мазкур хўжалик бор-йўғи 50 процент миқдорида пахта тайёрлади, холос. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 900 тонна камдир.

«СССР 50 йиллиги» совхози раҳбарлари ишчи кучидан ҳам, техникадан ҳам жуда ёмон фойдаланмоқдалар. Хўжаликда йиллик план аранг 52 процентга бажарилди. Бу область ва район кўрсаткичларидан анча паст. Шунга қарамай кунига ярим процентга етар-етмас пахта тайёрланяпти. Тўғри совхозда қўл кучи кам. Аммо машиналар етарли. Шундай бўлгандан сўнг машина терими плани энди 43 процентга етганлигини қандай баҳолаш мумкин? Ахир хўжаликда кўплаб терим агрегатлари, кўрак чувиш машиналари қантарилганча турибди. Ҳозирги ҳаво очиқ кунларда ҳам мавжуд терим техникасидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Уларнинг иш унуми ҳам паст. Ҳар бир машина ҳисобига 600 килограммдан тўғри келмоқда. Далаларда ҳали пахта кўп. Пайкаллардаги оппоқ бўлиб очилган чаноқлар теримга мунтазир.

«Туркманистон», «Пахтаобод», Ч. Бегимқулов номли совхозларнинг судралиши, қимматли вақтларини бой бераётганлиги ҳам район ютуқларига соя ташламоқда. Агар шу хўжаликлар ҳам марра сари дадил интилганларида, пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ташкил этганларида эди, бугунги кунда Нишон райони хирмони янада юксалган бўлур эди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Сиз нима дейсиз?

ШАРОИТНИ КИМ ЯРАТИБ БЕРАДИ

Республикамизнинг Сирдарё ва Жиззах областлари далаларида етиштирилган «оқ олтин»ни ёрдамчиларсиз йиғиштириб олиш амри маҳол. Ҳар йили бу областларга шаҳарлик ҳашарчилар, студентлар кўмакка чиқишади. Ёрдамчиларнинг яшаши учун бу областларда қандай шароит яратиб берилган?

Сирдарё областининг Ильич районида пахта тераётган Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти талабалари ётоқхоналарни кўриб кўнглингиз таскин топади. Институтнинг автомобиль транспорти факультети жойлашган «Правда» газетаси номли совхозда бунёд этилган, 500 ёрдамчига мўлжалланган бинода медицина пункти, овқатланиш зали мавжуд. Бу залда студентлар ишдан бўш пайтларида дам олишлари, турли кечалар ўтказишлари мумкин. Радио, телевизор улар ихтиёрида. Ётоқхоналарга икки қаватли каравотлар ўрнатилган.

Бино ортида ёрдамчилар учун ювиниш жойи ҳамда ҳаммом ҳам бор. Ошхонада факультетнинг 4-курс студенти Исмат Азимов мазали таом тайёрлаётганининг, 2-курс талабалари Т. Аваз-метов, Ш. Шарипов, Х. Каримбердиевларнинг нон ясаб, ўзлари тандирда ёпишаётганини кўрдик.

— Йигитларимиз кунига мингтадан нон ёпиб, теримчиларга тортиқ қилишяпти, — дейди факультет декани Ғ. Маҳмудов.

Озиқ-овқатлар сақлаш учун бу ерда катта холодильникларга эга омбор қурилган. Бино атрофида спорт майдончаси ҳам мавжуд. Студентларга яратилган шарт-шароитнинг афзаллиги туфайли институт Сирдарё областидаги олий ўқув юртлари ўртасида пахта йиғим-терими бўйича иккинчи ўринни эгаллади. Маълум бўлишича, институт студентлари ёзги таътилда совхозда беш юз ўринли ва икки юз эллик ўринли иккитадан дала шийпони қуришган экан.

Бироқ областнинг бошқа қатор хўжаликларида бўлганимизда, ёмғир ёғса чакка ўтиб кетадиган ётоқхоналарни ҳам кўрдик. Айниқса Оқолтин районидаги 17-, 18-совхозларда жойлашган баракларда аҳвол танг.

— Куз фасли тугамаёқ, об-ҳаво инжиқликлари бошланди, — дейди Жиззах область санитария-эпидемиология станцияси бош врачи Ҳасан Искандаров. — Областнинг Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз, Дўстлик районидаги «СССР 50 йиллиги», М. Дадажонов номли, Мирзачўл районидаги «Совет Россияси» совхозларида яшовчи ҳашарчиларнинг ётоқхоналари ҳам ёмон аҳволда. Баракларнинг ойналари синиқ, ичи совуқ. Шундай шароитда соғлиғи мустаҳкам одам ҳам касал бўлиши турган гап.

Бундан ташқари Тошкент давлат медицина институти студентлари жойлашган Пахтакор район «Пахтакор» совхозидаги ётоқхоналар аҳволи ҳам ёмон.

Ҳашарчилар —ўз фарзандларимизнинг ҳар йили бўладиган пахта йиғим-терими мавсумида соғ-саломат бўлиб, унумли меҳнат қилиши учун наҳотки зарур шарт-шароит яратиш мушкул бўлса?

А. ЭРГАШЕВ,
республика санитария маорифи уйининг врачи.

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

Ҳамкорлик воситаси

Мамлакатимизнинг чет давлатлар билан илмий-техника, иқтисодий ва маданий алоқаларини тараққий эттиришга республикамиз ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. «Совет Ўзбекистони» мухбири М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА СССР Ташқи савдо министрлигининг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги вакили Абдурашид Раҳимович МУТАЛОВга мурожаат қилиб, шу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилди:

— Ўзбекистон Иттифоқдош республикалар орасида экспорт маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича салмоқли ўринга эга. У РСФСР ва Украина ССРдан кейин учинчи ўринда туради. Ҳозирги кунда ўлкамизда экспорт учун 200 га яқин номдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Машинасозлик саноатининг 50 заводи, шунингдек, қатор оғир саноат, ўнлаб тўқимачилик корхоналари, 90 га яқин пахта тозалаш заводи, — ҳаммаси бўлиб 200 дан ортиқ корхона Ўзбекистоннинг экспорт базаси ҳисобланади.

Йилдан-йилга Ўзбекистоннинг экспорт имкониятлари ошмоқда ва бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларни харид қилувчилар сони кўпаймоқда. Ҳозир жаҳондаги 70 дан ортиқ мамлакат Ўзбекистон тамғаси босилган товарларни сотиб оляпти.

Республика экспортида пахта толаси асосий ўринни эгаллайди. Пахта тозалаш заводларимиздан 30 мамлакатга пахта толаси етказиб берилмоқда. Улар орасида Болгария, Вьетнам, ГДР, КХДР, Куба, Польша, Руминия, Чехословакия, Югославия каби социалистик мамлакатлар, капиталистик мамлакатлардан Австрия, Буюк Британия, Белгия, ГФР, Финляндия, Франция, Япония, шунингдек айрим ривожланаётган мамлакатлар бор.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган машинасозлик маҳсулотлари ҳам чет мамлакатларга сотилмоқда. Айниқса, «Ташсельмаш» заводи тайёрлаётган юксак унумли пахта териш агрегатлари харидорларга манзур бўляпти. Анголада етиштирилаётган пахта ҳосилининг деярли 80 процентдан ортиғи совет пахта териш машиналари ёрдамида йиғиб олинмоқда. Бундан ташқари турли хил уруғ экиш машиналари, сеялкалар, культиваторлар ҳам бошқа мамлакатлар қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилмоқда.

Афғонистон, Болгария, Греция, Индонезия, Куба, Мексика, Никарагуа, Польша, ЧССРнинг тўқимачилик корхоналари «Ўзбектекстильмаш» бирлашмасининг асбобускуналари билан жиҳозланган.

Қатор мамлакатларда Тошкентдаги компрессор заводи, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларини, «Средазаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг турли хил аппаратураларини учратиш мумкин.

Андижондаги машинасозлик заводи тайёрлаган дизель ва насослар Осиё ва Африка қитъасидаги кўпгина мамлакатларнинг ирригация иншоотлари қурилишида асқотмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган экскаваторлар, самолётлар, гидрометеорология асбоблари, гидрометеорологик станция комплектлари, ярим ўтказгич асбоблар ҳам чет элларда харидоргир бўлиб бормоқда. Бундан ташқари капролактам, лак-буёқ буюмлари, хом ашёлар ҳам четга чиқарилмоқда. Чинни буюмлар, биллур идишлар, ип-газлама, шоҳи-атласлар, қоракўл тери, мидий совға буюмлари, сабзавот консервалари, қуруқ мевалар, ҳўл мева шарбатлари ҳам республика экспортида салмоқли ўрин эгаллайди.

Халқаро ярмаркалар ва кўргазмаларда Ўзбекистоннинг экспорт маҳсулотларига юқори баҳо берилмоқда.

Ўзбекистоннинг СССР ташқи иқтисодий алоқаларига қўшаётган муносиб ҳиссаси республикамиз Улуғ Октябрь бошлаб берган йўлдан мудом равнақ топаётганининг ёрқин далилидир.

• *Мухбиримиз бонг уради*

Ардоқли авлод ташвишида

Партия ва ҳукуматимиз ҳамиша болалар уйи тарбияланувчиларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатади. Бироқ Хўжайли шаҳридаги болалар уйида келажак эгаларига таълим-тарбия бериш ишларида камчилик ва нуқсонлар мавжуд. 80 бола дам оладиган хоналарга 142 нафар бола жойлаштирилган. Кичик ёшдаги болаларнинг ўйнашлари учун фақат биттагина хона ажратилган, холос.

Болалар уйининг ҳозирги биноси талабга жавоб бермайди. Шаҳарда 340 ўринли болалар уйи қурилиши ўтган йили бошланган эди. Лойиҳа-сметадаги бир миллион 365 минг сўмдан бир миллион 191 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Буюртмачи — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг капитал қурилиш бошқармаси билан бош пудратчи 3-Каракалпакресагропромстрой бирлашмаси айби билан қурилиш ишлари кечиктириб юбориляпти. Натижада қурилишда ўзгариш бўлмаяпти.

Болалар уйини яхшилаш мақсадида район партия комитети бюроси қарори билан ўтган йилнинг бошида Тахиаташгидроэнергострой, «Тошкент» совхози, К. Маркс номли колхоз, магистрал газопровод линияси ишлаб чиқариш бошқармаси, 3-Каракалпакресагропромстрой бирлашмаси, район комсомол комитети базавий ташкилотлар қилиб биркитилган. Уларнинг айримлари ҳеч қандай ёрдам кўрсатмаётганлиги аниқланди. Район партия комитетида қабул қилинган қарорнинг ижроси эса ўтган йили ҳам, бу йил ҳам бир марта текширилмади.

Қорақалпоғистон АССР Маориф министрлиги ва унинг тегишли бўлимлари болалар уйидаги педагогик жамоат ва хўжалик ишлари назоратини бўшаштириб юборганлар.

Лойиҳа-смета тузишда ва тайёрлашда ҳам айрим камчиликларга йўл қўйилган. Унда спорт иншоотлари, турар жойлар кўрсатилмаган.

Шу райондаги гўдаклар уйи ҳам тузукроқ бино билан таъминланмаган. 1985 йилнинг ноябрь ойида Каракалпакирмонтажстрой тресті раҳбарлари икки квартирали бир уйни гўдакларга ажратишганди. Ҳозир бу ерда 32 жажжи ўғил-қиз тарбияланяпти.

Гўдаклар уйи бевосита Қорақалпоғистон АССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарайди. Бироқ бу ерда ҳам гўдаклар учун яхши шарт-шароитлар яратилмаган. Хоналар кичкина, тор. Ичимлик сувлар машиналарда келтирилади. Хоналари ёзда ҳаддан ташқари иссиқ, қишда — совуқ.

— Гўдаклар уйини яхшилашга кўмаклашамиз, ёрдам берамиз деган кишилар кўп, — дейди ҳамшира С. Зокирова. — Амалда эса уларнинг ёрдами тегмаяпти. Гўдаклар уйида уч ярим ёшгача бўлган болалар тарбияланади. Ҳар бир тарбиячи болаларни ўз фарзандидек ардоқлаб, эъзозлайди. Бироқ бизда педагог тарбиячилар етишмайди.

Бундан ташқари гўдаклар уйида болаларни кийим-кечаклар билан таъминлаш ҳанўз муаммолигича қолмоқда.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, келажак эгалари бўлган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳамманинг, ҳар биримизнинг ишимиздир. Қорақалпоғистон автоном республикасидаги мутасадди ташкилотлар бу ишда амалий ёрдам кўрсатишларига ишонамиз.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Нафосат» мафтун этади

Тошкент. Шаҳардаги эски Абул Қосим мадрасасида ҳозир Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни пропаганда қилиш уйи жойлашган. Бу ерга тез-тез чет эллик туристлар ташриф буюриб туришади. Яқинда улар учун махсус «Тўйимизга хуш келибсиз!» деб номланган театрлаштирилган этнографик томоша кўрсатилди.

Бу ерда меҳмонлар ўзбек халқининг бой маданияти, анъаналари ва расм-русумлари билан атрофлича танишишлари мумкин. «Нафосат» фольклор-этнографик ансамбли қатнашчилари миллий тўйга хос бўлган рақслар, қўшиқлар, аския-боз-қизиқчиларнинг оригинал номерларини намойиш этади.

СУРАТДА: «Тўйимизга хуш келибсиз!» программасидан бир кўриниш.

А. Кошкин фотоси. (ЎзТАГ).

Айдар ОСМАН

ДАРВОЗА ОРТИДАН КЕЛГАН ОДАМЛАР

ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ

Аёзли қиш кечаси. Сукунатни болалар уйи ҳовлисида чалинаётган занг овози бузди. Кимдир ҳовли ўртасидаги тол шохига осиб қўйилган узун темирни жонжаҳди билан қоқарди. Одатда бу занг эрталаб болаларни уйғотишда, линейкага сафлаш ёки овқатга чақиришда чалинарди. Ҳозир эса қоқ ярим кеча...

— Болалар, туринглар! Озиқ омборига ўт кетди!

Урушда оёқ панжасидан ажраб келган қоровулимиз Қобил амакининг бу бақириғи гоят таҳликали эди.

Аввал катта, сўнгроқ эса кичик группаларнинг болалари — ҳаммамиз апил-тапил ҳовлига чиқдик. Ҳақиқатан ҳам ширин-ширин конфетларимиз, гўшт, нон ва бошқа хил озиқ-овқатларимиз турадиган омборни чулғаган аланга осмони фалакка ўрларди. Доимо шинелда юрадиган, кечқурунлари бизни олдига тўплаб уруш воқеаларидан гапириб берадиган Қобил амаки эса ҳасса таянишни ҳам унутиб, ҳаккалаганча у ёқдан-бу ёққа югурарди.

— Тез! Ошхонадан идишларни олиб, ҳовуздан сув ташинглар! — бақирди у катта ёшли болаларга. Ўзи эса оловга яқин бориб томоша қилишга тушган кичкинтойларни ҳайдар эди.

Болалар қўлларига тушган челагу чойнакларда сув таший бошлади. Қобил амаки эса болалар келтирган сувни шиддат билан олов ичига сепаркан, тинмай: «Жангчилар! Шоввозлар! Дадил бўлинглар! Биз енгамиз!» — деб хитоб қиларди. У ҳамиша, биронта ишда бизга бош бўлганда «Жангчилар!» «Жасоратли разведкачилар!» деб мурожаат этарди.

Лекин аланга ўзига қарши турган нимжон болалар ва битта ногиронинг устидан кулгандек, баттар гувиллаб авж оларди.

— Биронтанг ҳам оловга яқинлашма! — деб бақирди алам ва ҳаяжон билан Қобил амаки. Сўнг ҳаккалаганча югуриб, ёнаётган омборга кириб кетди. Бир неча дақиқадан кейин у аллақандай тушкун, сўлжайган қиёфада, қоп-қора кукунга беланиб қайтиб чиқди. Бутун ғайрат-шижоати, жангговар руҳи аланга ичида ёниб битганга ўхшарди.

Қобил амаки ана шу сўлжайган қиёфада зинапояга бориб ўтирди-да, кафтларини юзига босди. Панжалари орасидан: «Е, раббим! У ерда ҳеч нарса йўқ-ку!» деган бўғиқ овоз эшитилди. Бироз ўтиб амаки қаддини ростлади. Чўнтакларини узоқ кавлаштириб, жигарранг носқовғини чиқарди. Қоқиштириб носдан кафтига, сўнг эса оғзига ташлади.

Олов эса шатирлаб қора ишини давом эттирарди.

Биз — катта группанинг болалари, омборхонанинг ёниб битган қисмини жиддий равишда кўздан кечиришга ва ёнғиннинг сабабларини изоҳлашга кириштик. «Бу фашистларнинг қилган ноши»— деди болалардан бири. девордаги каттакон ёриқни кўрсатиб.

Қобил амаки носини туфлади. «Булар немислар эмас, болалар, — деди у жаранг-дор овозда. — Булар ўғрилар! Аввал молни гумдон қилишган... Кейин омборга ўт қўйишган. Ёрилиб ўлгур, ҳаром томоқлар!».

Икки от қўшилган аравада ўт ўчирувчилар келганда тонг оқара бошлаган, ёнғин эса ишини қилиб бўлганди. Омборда аланга кўринмас, фақат тутаб ётарди.

Табиийки, шу кун болаларга нонушта берилмади. Директоримиз тушлик овқат, албатта бўлажагини айтиб, отига минди-да, қаёққадир кетди.

Тарбиячилар директор қайтиб келгач, ҳаммамизга овқат берилишини айтиб, бизларни турли ўйинлар билан чалғитишди. Кичкиналар «қорним очди», деб пиқиллаб йиғлай бошлашди. Яна бирмунча фурсатдан кейин эса ўртанча группа ҳам уларга қўшилди. Фақат катта группанинг болаларигина жиддий қиёфада, индамасдилар.

Овқат вақти бўлди. Директордан дарак йўқ.

Тушлик вақти ўтгач тарбиячиларнинг тадбирлари ҳам, Қобил амакининг уруш ҳақидаги ҳаяжонли ҳикоялари ҳам кор этмай қўйди. Амаки жанг жадал ҳақида кўп қизиқ воқеалар айтса ҳам оёқ панжасини қандай йўқотганини ҳеч гапирмасди. Ҳозир эса болаларни атрофига тўплаб, бизни кўпдан қизиқтирган ўша воқеани ҳикоя қилишга тушди.

«Мен урушда шофёр эдим, — деб бошлади у ҳикоясини, — Ладога кўлининг музи устидан юриб, қамалда қолган Ленинградга озиқ-овқат, ўқ-дорі, қуроллаштирдик. Бу сафар мен бўш машина билан Ленинграддан қайтардим. Шу пайт тепамизда фашист самолётлари визиллаб, кўлни бомбардимон қила бошлашди. Ҳар бомба тушганда муз устида каттакон тешиклар пайдо бўларди.

Бир маҳал машинамнинг олдирогида бомба портлади. Муз устида пайдо бўлган тешикдан портлашнинг таъсирида осмонга сув фонтани отилди. Тормозни босдим-да, машинамнинг бир томонга қийшайиб кетаётганини сезиб, ёнимда ўтирган аёлга «Сакра» деб бақирдим. У молётлари визиллаб, кўлни бомбардимон қила бошлашди. Ҳар бомба тушганда муз устида каттакон тешиклар пайдо бўларди.

Бир маҳал машинамнинг олдирогида бомба портлади. Муз устида пайдо бўлган тешикдан портлашнинг таъсирида осмонга сув фонтани отилди. Тормозни босдим-да, машинамнинг бир томонга қийшайиб кетаётганини сезиб, ёнимда ўтирган аёлга «Сакра» деб бақирдим. У бўлса қўрққанидан чинқириб юборди, жон ҳолатда менга ёпишиб олса бўладими!

Бу орада машина чуқурга тушиб тушуғи билан сувга бота бошлади. Кабинанинг ўзим тарафдаги эшигини очдим-да, аёлни зўрлик билан тушириб юбордим. Уни туширдим-у, аммо ўзим чиқолмай қолдим. Ўнг оёғим стартиёрнинг остидаги пружинага илиниб қолган эди. Бор кучимни ишга солиб оёғимни тортгандим, пружина чўзилди, аммо оёғимни бўшатмади. Кабина ичи эса сувга тўлиб борарди. Шу пайт хаёлимга этикни ечиш керак, деган фикр келди. Бироқ совуқ қотган бармоқларим ўзимга бўйинсунмас, бунинг устига сув ичида энгашиб туриб, бирор иш қилиш оғир эди. Сув кўпайиб кабинани тўлдирди. Нафасим қайта бошлагандан кейин, жон ҳолатда пичоғимни чиқардим-да этигим тумшуғини кеса бошладим...

— У хотинга нима бўлди? Тирик қолдими? — сўради бир қизча.

Қобил амаки чуқур хўрсинди.

— Унинг ленинградлик эканини билардим. Уни бошқа кўрмадим.

Қобил амакининг ҳикояси катта болаларни анча вақтгача сеҳрлаб қўйди. Лекин кўп нарсани тушунмаган кичкиналар яна аста-секин жанжалга ўтдилар. Аввал биттаси пиқиллай бошлади, сўнг иккинчиси қўшилди-да, бироздан сўнг Қобил амакининг ҳикоясидан туғилган жимжитликни йиғи овозлари босиб кетди. Кичкинтойлар ўйнамоқни ҳам, бирон гап тингламоқни ҳам истамас, «овқат бер» дердилар, вассалом.

Омборхона ёнғани ҳақидаги хабар фақат район марказига эмас, бозорга келганлар орқали узоқ қишлоқларга ҳам тарқалган экан.

Ҳикоя тугаб-тугамай дарвозадан бир кампир кириб келди. У Қобил амакига бир дона жўхори нони узатаркан, «Болалар эрталабдан бери туз тотмагандир. Оз бўлсаям шуни улашиб беринг», деди. Сўнг ўтириб дуо қилди-да, рўмолининг учи билан кўзларини арта-арта чиқиб кетди.

Яна бироз ўтгач хумча кўтарган бошқа бир кампир келди. У бозорга қатиқ сотгани кетаётган экан. Хумчасини биз келтирган пақирга бўшатди-да: «Ош бўлсин, болаларим!» деди.

Шундан кейин дарвозадан кириб келувчиларнинг кети узилмай қолди. Бири қуриган мева, бири лавлаги, бири пишлоқ, бири нон кўтариб олганди. Бориб-бориб нарса олиб келаётганлар шунақанги кўпайиб кетдики, қўлларидагини топшириш учун навбатга туришга мажбур бўлдилар. Қобил амаки болаларнинг ёрдам бераётганига қарамай шошилиб қолди. Овқат келтирганларга раҳмат айтишга ҳам улгурмасди. Сирасини айтганда одамлар унинг ташаккурини кутмасдилар ҳам.

Болалар уйининг олди от ва эшак араваларга тўлиб кетди. Бозорга кетган ҳам, бозордан қайтган ҳам бу ерда тўхтаб ўтарди. Келганлардан бири бир халта буғдой узатганда Қобил амаки уни олмасликка қарор қилди. Буғдойли одам дўқ билан бақирди: «Мен буни сенга эмас, болаларга беряпман! Бу — нон! Хоҳлаган пайтда пишириб ейиш мумкин!»

Қобил амаки ҳозир буларга овқат обкелишади, деса ҳам бояги киши кўнмади.

Директоримиз қайтиб келганда дарвозамиз олдидаги навбат қатори то катта йўлгача чўзилиб кетганди. Одамларнинг кети узилмади.

Биз у кунларда уруш туфайли ҳамма ерда қаҳатчилик ҳукмронлигини, у одамлар ўзларининг ё бўлмаса болаларининг ризқини қийиб бизга бераётганини яхши англамасдик.

Орадан йиллар ўтди. Биз ўсиб-улғайдик. Баъзан болалар уйидаги бирга ўсган дўстларим билан кўришиб қоламан. Суҳбатимиз нималардан бошланмасин, ўша ёғин воқеасига бориб тақалади. Ҳеч қачон дарвоза ортидан кириб келган одамларни эсламасдан тарқалмаймиз. Улар бизнинг бувиларимиз, бувиларимиз эдилар, бизнинг ота-оналаримиз, опа ва акаларимиз эдилар.

Қрим татар тилидан Зоҳир АЪЛАМ таржимаси.

• *Спорт*

ШАХМАТ:

ЧЕМПИОННИНГ ТАКЛИФИ

Севильяда жаҳон биринчилиги учун навбатдаги 14-партия ўйналди. Шахмат тождори Г. Каспаров билан жаҳон собиқ чемпиони А. Карпов ўртасида бу галги ўйин узоқ чўзилмади. Оқ доналар билан ўйнаган Г. Каспаровнинг қўли бироз баланд бўлишига қарамай, 21-юришга борганда дуранг таклиф этди. А. Карпов рози бўлди. Ўйинни яна давом эттиришга имкон бўлишига қарамай, томонларнинг бунақанги битимга келишиб, учрашувга нуқта қўйишлари мухлислар учун ўзига хос сир бўлиб қолди. Умумий ҳисоб эса 7,5: 6,5 бўлиб, чемпион фойдасига ўзгарди.

ЧИМ ХОККЕЙ

ИККИНЧИ ҒАЛАБА

Ҳиндистон пойтахтида Индира Ганди хотира-совғини учун ўтказилаётган анъанавий халқаро турнирда совет терма командаси хоккейчилари муваффақиятли куч синашмоқдалар. Биринчи турнир ғолиби бўлган хоккейчи қизларимиз бу сафар ҳам зафар билан қайтишга интилмоқдалар. СССР терма командаси дастлабки учрашувни Япония хоккейчилари билан ўтказиб, ғалаба қозонган эди. Зимбабве хоккейчилари билан бўлган иккинчи учрашувда эса вакилларимиз дарвозага 10 та тўп киритиб, битта жавоб тўпи ўтказиб юбордилар, холос.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Халқаро учрашув. Республикамиз пойтахтида халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказилди. «Пахтакор» футболчилари Гвинея-Бисау терма командаси футболчиларини қабул қилишди. Мухлисларда катта қизиқиш уйғотган бу ўйинда майдон эгаларининг устунлиги яққол сезилиб турди. Пахтакорчилар меҳмонлар дарвозасини тўққиз марта ишғол этишди. «Пахтакор» дарвозасига эса биттагина тўп киритилди. Энди Гвинея-Бисау футболчилари Халқободда ҳамда Олмалиқ ва Навоий шаҳарларида республикамиз коллективлари билан учрашадилар.

Мамлакат чемпионати. Киев динамочилари билан Ланчхутининг «Гурия» коллективлари учрашувлари билан олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатига якун ясалди. Бу ўйинда динамочилар 2:1 ҳисобида устун келишди.

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
кафедралар бўйича
ПРОФЕССОР ЎҚИТУВЧИЛАР СОСТАВИДАГИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Доцентлар: КПСС тарихи (ИПК), рус ва ўзбек журналистикаси тарихи, фалсафа ва логика тарихи, Хитой филологияси, коллоид химияси, ЭҲМ ва программалаштириш, амалий статистика ва жараёнларни тадқиқ этиш, ўзбек тилшунослиги, ЭҲМни математик таъминлаш, атмосфера физикаси, алгебра ва сонлар назарияси (2), табиий факультетларда фалсафа (рус тили ўқитиш), дифференциал тенгламалар (2), умумий химия, илмий коммунизм, инглиз филологияси (2), табиий факультетларда рус тили, немис филологияси (2), гуманитар факультетларда инглиз тили (2);

катта ўқитувчилар: география ўқитиш методикаси (ярим ставка), иқтисодий география, табиий факультетларда фалсафа, тайёрлов факультетида рус тили, турк филологияси, олий нав ўсимликлар, олий математика, алгебра ва сонлар назарияси, араб филологияси, химия ва юқори молекулали бирикмалар технологияси, математик анализ, илмий коммунизм, немис филологияси, гуманитар факультетларда инглиз тили (2), телевидение ва радиоэшиттириш, табиий факультетларда сиёсий иқтисод, (ўзбек тилида ўқитувчи фан кандидати), гуманитар факультетларда немис-француз тиллари, психология, ҳинд филологияси, меҳнат ҳуқуқи, давлат ҳуқуқи ва Совет қурилиши, криминалистика;

ўқитувчилар: география ўқитиш методикаси (ярим ставка), ижтимоий фанлар (СССРнинг иқтисодий географияси), Эрон филологияси, ҳарбий (граждан мудофааси курси— ярим ставка), рус тили тарихи ва диалектологияси, илмий коммунизм, медицина тайёргарлиги;

ассистентлар: биохимия(ярим ставка), табиий бирикмалар химияси;

проблемали лаборатория мудири: табиий бирикмалар химияси;

катта илмий ходим: табиий бирикмалар химияси проблемали лабораторияси;

илмий ходим: табиий бирикмалар химияси проблемали лабораторияси;

кичик илмий ходимлар: табиий бирикмалар химияси проблемали лабораторияси (3), медицина полимерлари, аҳолининг жойлашиши (илмий даражасиз).

Конкурс муддати — 22 ноябргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, 95-алоқа бўлими, Маъмурий бино, 6-қават, 63-хона, кадрлар бўлими. Телефонлар: 46-02-22, 46-54-64.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
1987-1988 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ, ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИДА ИШЛОВЧИ ИЛҒОР ИШЧИЛАР, ШУНИНГДЕК СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА ХИЗМАТНИ ЎТАБ БЎЛГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимига кирувчи ишчи ва колхозчилар камида икки йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.

Колхозчилар ҳам календарь йил учун белгиланган иш куни минимумига эга бўлишлари лозим. Йўлланма меҳнат коллективлари ва ҳарбий қисмлар шахсий состави мажлиси қарори асосида партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари тавсияси билан корхона, ташкилот раҳбарлари, шунингдек, ҳарбий қисмлар қўмондонлиги томонидан берилади.

АРИЗАЛАР 25 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Суҳбат —25-30 ноябрь кунлари ўтказилади.

Тайёрлов бўлимига математика ва физика бўйича суҳбат натижаларига ва қабул комиссиясининг қарорига асосан қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ— 8 ОЙ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар стипендия ва бошқа шаҳардан келганлар — ётоқхона билан таъминланадилар.

Тайёрлов бўлимининг битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар институтнинг кундузги 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Мурожаат учун адрес: 700100, Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 2-ўй, тайёрлов бўлими, телефон 53-11-93.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ
қуйидаги бўлимлар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

илмий ходим (таржимашунос) — адабиёт назарияси ва адабий алоқалар (фан кандидати, 2);

илмий ходим — ҳозирги замон ўзбек тили (фан кандидати).

Конкурс муддати —24 ноябргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700170, Тошкент шаҳри, академик Мўминов кўчаси, 9-ўй, Илмий котибга.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области корхоналари, ташкилотлари раҳбарлари ва аҳолиси

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР М. ТУРҒУНБОЕВА НОМЛИ «БАҲОР» ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИ **болаларнинг янги йил томошаларида иштирок этиш учун**

КОЛЛЕКТИВ БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА.

Бизнинг адрес: 700024, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони 5-ўй. Телефонлар: 39-46-08, 39-46-09, 39-46-10.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/XI да **Дон Кихот**, 19/XI да **Петр Биринчи**, 20/XI да **Тўмарис**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/XI да **Курорт**, 20/XI да **Ўғрини қароқчи урди**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/XI да **Олифта**, 19/XI да **Хотинимнинг эри**, 20/XI да **Тошболта ошиқ**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/XI да **Майсаранинг иши** (19.00), 19/XI да **Қора камар** (19.00).

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти коллективи 1950 йилдан КПСС аъзоси, нашриётнинг собиқ бош редактори, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер, СССР Ёзувчилар союзи аъзоси **Собир ЮНУСОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

• *Тингланг, томоша қилинг*

18 ноябрь, чоршанба

Телевидение

МТ-I. 8.00 —«90 минут». 9.35 — Халқ куйлари. 9.50— «Революция ўзини ҳимоя қилмоқда». Телефильм, 1-фильм. 10.10 — Ёнгиликлар. 10.40 — Қайта қуриш прожектори. 10.50 — Нега ва нима учун? 17.20 — Ҳужжатли фильм. 18.00 — ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 18.45 —Сўзни амалда иш билан оқла. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ветеранлар, Сизлар учун. 20.15 — «Революция ўзини ҳимоя қилмоқда». Телефильм, 2-фильм. 21.30 —Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Автомобилдан сақланинг». Бадиий фильм. 23.45 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 —Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 — Немис тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Умумий биология. 12.05 —Музикада эртак. 13.05 —«Дастлабки сабоқлар» (орадан бир йил ўтгач). Телеспектакль. 14.40 — Ёнгиликлар. 14.50 — Илмий-оммабоп фильм. 18.35 —Ёнгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 19.30 — Ритмик гимнастика. 20.00 — Ҳамдўстлик. 20.30 —Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Сиз бунга қодирсиз. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Концерт. 23.30 — Ёнгиликлар.

УзТВ-I. 7.00 — Ритмик гимнастика. 7.20 — Тонгги тароналар. 7.30 — Ахборот. 7.50 Салом кичкинтойлар! 8.00 — Телефильм. 16.45— Абдулла Қаҳҳор — прозаик. 17.20 — Телефильм. 17.30 — География. 18.00 — Ёнгиликлар. 18.10 — Иммунологик баланснинг ёшга қараб ўзгариши... Бутуниттифоқ конференцияси. 18.50 — Музикали танафус. 18.55 — Ешлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Ҳинд халқининг шоили қизи». 20.15 — Телефильм. 20.30 —Ахборот. 20.50 —Долзарб вазифа. 21.00 — Деҳқоним менинг. 21.30 —Время. 22.05 — «Ғулгула» Телеспектакль. 3-қисм. 23.15 —Бугун оламда нима гап? 23.30 — Ҳужжатли фильм.

УзТВ-II. 19.30 — Болалар учун концерт. 20.00 —Ритмик гимнастика. 20.20 —«Ечим». Бадиий фильм. 21.30 —Время. Душанба. 22.15 — «Бизни черковда ниқоҳлашмаган». Бадиий фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 —Визга мактуб йўллабсиз. 9.30 —Мактаб, оила ва тарбия. 10.15 — Дўстларимиз куйлайди. 11.15 — Юность. 12.10 —Узбекистан индустриалький. 12.40 — Шеърият. 13.00 —Чорвадор. 13.30 —Ю. Саульский қўшиқлари. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Биз тинчлик учун овоз берамиз. 16.40 — Денгиздагилар, Сизлар учун. 18.15 — Қишлоқ ҳаёти. 18.30 —Озарбайжон санъат усталари ижро этади. 19.20 — «Аланга». 19.40 — Хўжалик юритишни ўрган. 21.00 — Халқаро кундалик. 21.10 — Қишлоқ оқшомлари. 22.30 —Катталарга болалар ҳақида. 22.45 — Музикали ҳаёт янгиликлари. 23.30 — Дам олиш концерти.

Р. — 11125. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. В. — 265. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12